O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 23 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 84 (7487)

Da'vat

Har narsada boshqa hech bir kishi ko'rmaganni ko'rishga, hech bir kishi bosh qotirmagan jihatni topishga intilmoq lozim.

Georg LIXTENBERG

Ibrat

Navoiy viloyati markazida madaniyat va san'at kasb-hunar kolleji foydalanishga topshirildi. Yangi kollej 900 o'quvchi o'rniga ega. 300 o'rinli yotoqxona qurilishi ham nihoyasiga yetkazilgan. Ushbu muassasa qurilishiga 2,4 milliard so'mlik mablag' sarflandi.

ҲАМФИКРЛИК ҲАМКОРЛИККА, ҲАМКОРЛИК ЭСА ТАРАҚҚИЁТГА БОШЛАЙДИ

20 октябрь куни Полша Республикаси Президенти Александер Квасневский расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Душанба куни «Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Александер Квасневскийнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатлар ва минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ кўплаб долзарб масалалар, шунингдек, томонларни қизиқтирган ҳалқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Президент Ислом Каримов Полша раҳбарининг Ўзбекистонга бу ташрифи ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлган пайтга тўғри келганида рамзий маъно борлигини қайд этди. Шу жиҳатдан уни тарихий ташриф деб аташ мумкин.

Ўзбекистон ва Полша расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлар, ҳарбий-техникавий, маданий, ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон аҳли Полшадаги жараёнларни диққат билан кузатиб келаётгани, ушбу мамлакатнинг имконият ва салоҳиятини, айниқса, бозор ислоҳотларини амалга ошириш ва Европа Иттифоқи сафидан жой олиш борасидаги ютуқларидан яхши хабардорлигини таъкидлади. Бугунги учрашувлар эса шундай давлат билан ҳамкорлик самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари ўзаро муносабатларни ривожлантиришга доир бир неча таклифни ўртага ташлади.

Сиёсат борасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг қуйи органлари, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва кўп томонлама ҳамкорликни давом эттириш мамлакатларимиз манфаатларига бирдек мос. Хусусан, экология муаммолари ва интеграцияни кенгайтириш борасида Ўзбекистон билан Полшанинг ҳамфикрлиги муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мамлакатларимиз номи зикр этилган ташкилотларда бир минтақа ичига олинган. Хавфсизлик масаласига келганда, НАТО аъзоси бўлган Полша билан кадрлар тайёрлаш, ахборот алмашиш, махсус бўлинмалар тузиш каби ишларда самарали ҳарбий-техникавий ҳамкорлик қилиш мумкин.

Савдо-иқтисодий соҳадаги алоқалар тўғрисида сўзлар экан, Президент Ислом Каримов бу борадаги кўрсаткичлардан икки томон ҳам қониқмаслигини таъкидлади. Бу табиий. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми атиги 31,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ҳолбуки, иқтисодий ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мавжуд.

Иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун кучли ҳуқуқий асос ҳам яратилган. Президент Ислом Каримовнинг 1995 йили Полшага буюрган расмий ташрифи чоғида ишбилармонлар фаолияти учун ўзаро имкон қадар кўпроқ қулайликлар яратиш тўғрисида келишиб олинган эди. Лекин таъкидланганидек, ҳамкорлик кўлами имкониятлар даражасида эмас.

Ислом Каримов тўқимачилик, қурилиш, энергетика, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, мебел ва рангли металлар каби товарлар айирбошланиши жуда фойдали эканлигини таъкидлади. Полша сармоядорларини ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этишга чорлади.

Ўз даврида Полша қишлоқ хўжалигида туб бурилишлар ясашга муваффақ бўлган эди. Ҳозир мамлакат бу соҳада махсулот етиштириш борасида дунёда юқори ўринлардан бирига чиқиб олган. Президент Ислом Каримов икки мамлакат фермерларининг ҳамкорлиги, тажриба алмашиши ҳам фойдадан ҳоли бўлмаслигини қайд этди. Бу йўналиш номи зикр этилган саъй-ҳаракатлар билан бирга ривожлантирилса, гап икки мамлакатнинг ҳудудий-маъмурий бирликлари ўртасидаги бевосита алоқаларга бориб тақалади. Икки мамлакат ҳамкорлигининг ривожида уларнинг ўзаро муносабати қай даражада тараққий этгани муҳим ўрин тутади, албатта.

Айни пайтда авиация транспорти соҳасида ҳам ҳамкорлик кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Алоқалар тобора ривожланаётгани, бордикелди кўпайишини ҳисобга олиб, Тошкент билан Варшава ўртасида ҳаво қатновини йўлга қўйиш, кейинчалик транзит ҳисобига бу алоқаларни янада кенгайтириш имконияти мавжуд.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Полша халқаро миқёсдаги йирик лойиҳаларда бирга иштирок этиши мумкинлигини таъкидлади. Хусусан, томонларнинг саъй-ҳаракатлари бирлаштирилса, Афғонистондаги тикланиш ишларида муваффақиятли иштирок этиш имконияти катта.

Булардан ташқари, маданий, илмий, гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳам янада ривожлантириш керак. Олий ўқув юртлари, маданият марказлари каби мазкур соҳаларда фаолият юритувчи турли муассасалар вакилларининг мулоқотлари, борди-келдиларини кўпайтирмоқ зарур. Зеро, мамлакатлараро муносабатлар ривожида «халқ дипломатияси», икки юрт одамларининг бир-бирини қанчалик яхши билиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Полша томони ушбу таклифларнинг барчасини маъқуллади. Бу масалаларнинг амалий жиҳатларини ишлаб чиқиш икки мамлакатларнинг ҳукуматларига топшириладиган бўлди.

Полша Президенти Александер Квасневский Ўзбекистон билан нефт-газ ва энергетика саноати, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, экология, қайта ишлаш, қурилиш, жумладан, гидромуҳандислик ва коммуникация қурилиши соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, Александер Квасневский сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ғоят фойдали бўлишини айтди. Бунинг натижасида ҳаво алоқаси кенгаяди ва халқларимиз бир-бирининг бой маданияти, бугунги ҳаёти ва ўтмиши билан яқинроқ танишади.

Таъкидламоқ керакки, Полша Президенти Ўзбекистонга ташрифи мобайнида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини заёрат қилади. Унинг айтишича, Полшада ўз даврида бу қадимий шаҳарларга бериладиган сайёҳлик йўлланмалари жуда нуфузли бўлган. Ҳозир ҳам бу қадим шаҳарлар томошасига келгувчилар кам эмас. Музокаралар сўнггида бўлган матбуот анжуманида, А.Квасневский шу чоққача бу шаҳарларни кўришни орзу қилиб келганини ва Ўзбекистонга ташрифи туфайли шундай имконият пайдо бўлганидан беҳад мамнунлигини айтди.

Музокараларда олий мартабали меҳмон мамлакатимизнинг минтақада тутган муҳим ўрнига алоҳида тўхталди. У Ўзбекистонни минтақадаги йирик давлатлардан бири деб билишини айтар экан, унинг барқарорликни сақлашдаги аҳамиятини қадрлашини таъкидлади. Ўзбекистон қўшнилар билан тинч-тотув яшашда ўрнак бўлмоқда. У ҳам истиқлолга эришди, ҳам фаоллик билан уни ҳар томонлама мустаҳкамламоқда. Халқаро иқтисодиётга муваффақият билан қўшилмоқда. Аксилтеррор операциясини қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон барқарорликни экспорт қилувчи мамлакатдир ва биз унинг истиқлол йилларида босиб ўтган йўли ҳамда мустақил сиёсатини беҳад эъзозлаймиз, деб алоҳида таъкидлади Полша раҳбари. Шу

(Давми 2-бетда)

ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАР ЗИЁРАТИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Полша Республикаси Президенти Александер Квасневский 22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Бухорога ташриф буюрди.

А.Квасневскийнинг қадимий Бухоро билан танишуви IV асрда бунёд этилган Арк қалъасидан бошланди. Сўнг олий мартабали меҳмон Сомонийлар мақбараси, Масжиди Калон, Минораи Калон, Мирараб мадрасаси масжиди, Лаби ҳовуз мажмуи каби тарихий обидаларни томоша қилди. Бухоро ҳунармандлари, зардўзлари, гиламбофлари, заргарлари ясаган буюмларнинг Тоқи Саррофон, Тоқи Заргарон, Тоқи Телпакфурушон сингари қадимий савдо расталарида ташкил қилинган кўргазмалар билан танишди.

Шу куни меҳмон Самарқандга ташриф буюриб, бу қадим шаҳардаги Регистон мажмуи, Гўр Амир мақбарасини томоша қилди. Полша раҳбари Ўзбекистонда аждодлар хотираси, улар қолдирган улкан меросга эҳтиром кучли эканлигига амин бўлганини таъкидлади.

Олий мартабали меҳмон Сиёб бозорига бориб, саховатли ўзбек заминида етиштирилган неъматлардан, Самарқанднинг машҳур нонларидан татиб кўрди.

Полша раҳбари Самарқандда истиқомат қилувчи поляклар билан кўришди. Мулоқот пайтида Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, барқарорлик, турли миллатга мансуб фуқароларнинг маданияти, тили, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришга бўлган эътибор кучли эканлиги таъкидланди.

Ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, А.Квасневский, жумладан, қуйидагиларни айтди:

— Бухоро ва Самарқанд ғоят гўзал шаҳарлар экан. Бу қадимий гўшаларга келишни кўпдан орзу қилардим. Полшада замонавий Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилиш қаторида унинг қадимги обидалари ва ноёб маданий меросига қизиқиш ҳам кучли. Ўйлайманки, серқуёш юртингизга ҳали минглаб сайёҳлар келиб, бу қадимий шаҳарларни зиёрат қилади ва оламолам таассуротлар олади.

Илҳом САФАР,
Уйғун РЎЗИЕВ,
ЎзА мухбирлари

ТИЛ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Reportaj

Бу фикрни, аввал хабар берганимиз, Навоий вилоятида ўтказилган анжуманда таниқли олимимиз Ҳамид ака Неъматов таъкидлади. Албатта, миллатнинг барча қадриятлари тил орқали таништирилади, англашилади. Бу йил тил байрамига бағишланган тадбирлар Навоий ва Зарафшон шаҳарлари таълим муассасаларида бўлиб ўтди. Айниқса, Навоий шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли Абу Али ибн Сино номидаги 11-мактабда "Асрларга юз тутган тилим" мавзусида ўтказилган адабий-бадиий байрам дастури кўпчиликка манзур бўлди.

Аввало меҳмонларни илм маскани аҳли мактаб бўсағасида миллий, ўзига хос урф билан кутиб олишди. Мактабнинг ўқитувчию ўқувчилари замонавий услубда қурилган мактаб шароитидан унумли фойдаланиб, "Мерос" йўлаклари бўйлаб саёҳат" ташкил этишди. "Саёҳат"да гид вазифасини ушбу мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси М.Пўлатова (чап томондаги суратда) бажарди. Остона хатлашингиз билан Ўрхун-Энасой битиклари битил-

(Давоми 2-бетда)



SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

GALILEY ORDENI - O'ZBEK OLIMIGA

O'zbekiston Fanlar akademiyasi «Akademasbob» ilmiy-ishlab chiqarish birlashmasi lazer nurlanishining modda bilan o'zaro aloqasi laboratoriyasi yetakchi ilmiy xodimi, fizika-matematika fanlari doktori Rashid Ganeyev Galileo Galiley ordeni va optika bo'yicha xalqaro komissiya diplomi bilan taqdirlandi. Bu nufuzli mukofotga optika rivojiga katta hissa qo'shgan turli mamlakatlar olimlari sazovor bo'ladi.

IQTIDORLILAR LITSEYI

Toshkentda Vazirlar Mahkamasining qarori asosida tashkil etilgan O'zbekiston davlat konservatoriyasi huzuridagi Iqtidorli bolalar akademik litseyining ochilish marosimi bo'ldi. Ushbu akademik litseyiga joriy o'quv yilida qirqdan ortiq iste'dodli yigit-qiz qabul qilindi. Uch yil davomida 125 talabaga bilim berish va musiqa sirlarini o'rgatish rejalashtirilgan.

MADANIYAT - DO'STLIK MANBAI

Polsha Respublikasi Prezidenti Aleksander Kvasnevskiyning mamlakatimizga rasmiy tashrifi davomida uning rafiqasi Iolanta Kvasnevskaya O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning rafiqasi Tatyana Karimova hamrohligida O'zbekiston Davlat jahon tillari universitetiga tashrif buyurdi. Ular mazkur universitetning jurnalistika fakultetida joylashgan Polsha madaniyat va til markazining ochilishida ishtirok etdi. Shuningdek, bu yerda polyak tilini o'rganayotgan talabalar bilan uchrashuv bo'lib o'tdi.

«TIL: ISLOHOT VA TARAQQIYOT»

Respublika «Ma'naviyat va ma'rifat» markazida O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi va Fanlar akademiyasi bilan hamkorlikda taniqli tilshunos olimlar, turli muassasa va tashkilotlar, jamoatchilik vakillari ishtirokida ana shunday mavzuda anjuman o'tkazildi. Unda davlat tili to'g'risidagi qonunning izchil ijrosini ta'minlash bo'yicha talay ishlar amalga oshirilayotgani ta'kidlandi. Jumladan, «O'zbek tilining izohli lug'ati» nashrga tayyorlangani bu borada katta voqea bo'ldi.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЎҚУВЧИЛАР МАДАНИЯТИ: У ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАЯПТИМИ? 4-бет

ЯНА ҲИНД СОРИҒА 5-бет

"БОЛАМГА АЧИНАМАН" ДЕЙИШАДИ УЧ ЙИГИТНИНГ ОНАСИ ҲАМ 6-бет

САВОДХОНЛИК – ЮКСАК ҚАДРИЯТ УНГА ЭРИШИШ УЧУН ЯПОНЛАР СЎНГГИ ЧАҚАСИНИ ҲАМ САРФЛАШГА РОЗИ БЎЛИШАДИ 7-бет

O'qituvchi yon daftariga

SPORTNING YANA BIR FOYDASI

Bristol universiteti olimlari olib borgan tadqiqot xulosalari sportning yana bir foydali jihatini aniqlashdi. Ma'lum bo'lishicha, sport bilan shug'ullanish, nafaqat yurak xastaliklarining, balki rak kasalligining ham oldini oladi. Haftasiga uch kun 30 daqiqadan jismoniy mashqlar bajarishga odatlangan kishi oshqozon va ichak yo'llarida vujudga keluvchi rak xavfini 40—50 foizga kamaytirar ekan.

O'NG QO'LGA TAQQAN AFZAL

Mutaxassislarning ta'kidlashlariga qaraganda, bilakuzuk, soat tasmasi chap qo'ldan ko'ra o'ng qo'lga taqilgani ma'qul. Taqinchoqlar chap qo'lga taqilganda, insonning umumiy salomatligiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Aksincha, o'ng qo'lga taqilganda, kayfiyat ham, salomatlik ham yaxshi bo'ladi.

TAOM VA SIYOSAT

Polshalik olimlar, kishining xush ko'rib iste'mol qiladigan taomi uning nafaqat xarakterini, balki siyosiy qarashlarini ham shakllantiradi, deb hisoblashmoqda. Shu ma'noda mutaxassislar Polshada faoliyat yuritadigan yuzdan ortiq partiyalar a'zolarining taomnomalarini o'rganib chiqishdi va bir partiya a'zosi bo'lgan kishilar yemagida uyg'unlik topishdi.

IXTIROCHI O'QUVCHI

Angliyaning Brekon shahrida yashovchi oddiy maktab o'quvchisi g'aroyib ixtiro yaratdi. U kompyuter sichqonchasi vazifasini undan yuqori tezlikda, mukammal bajaradigan, keng imkoniyatga ega bo'lgan manipulyator o'ylab topdi. Qo'lqop shaklidagi mazkur ixtiroga o'ta sezgir datchiklar joylashtirilgan bo'lib, barmoqlar harakati bilan bunda ish tez va sifatli bajariladi.

Ўқувчилар ўз узтозлари бошчилигида хоҳ ғазал ўқишсин, хоҳ дуторда қўшиқ куйлашсин ўзбек тилининг жозибасини кўрсата билишди.

Дарснинг анжуман қатнашчиларига маъқул бўлган жиҳати шундаки, ўқувчилар дарсликларда бўлмаган, тарихий манбаларда кам учрайдиган ноёб маълумотларни йиғибдилар.

ҲАМФИКРЛИК ҲАМКОРЛИККА, ҲАМКОРЛИК ЭСА ТАРАҚҚИЁТГА БОШЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

боис Полша НАТО аъзоси ва Европа Иттифоқининг бўлғуси аъзоси сифатида Ўзбекистон учун Европага очилган дарвоза бўлишга тайёр, деди А.Квасневский. Бу гаплар бежиз эмас. Бир неча йил муқаддам Полша НАТОга қўшилиш истагини билдирганида, Ўзбекистон раҳбари ҳеч иккиланмай, ҳар қандай давлат ўзининг ҳавфсизлик концепциясини ўзи ишлаб чиқишга ҳақли эканлигини айтган эди. Полша 2004 йилдан Европа Иттифоқи сафидан ҳам жой олади. Ўзбекистон буни ҳам маъқуллайди. Зеро, ҳозирги замон ҳар бир давлатдан ўзга мамлакатлар билан тенглик асосида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишни талаб қилади.

Музокаралар чоғида Полша раҳбари бундай муносабат учун Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди ва Ўзбекистоннинг нуфузи, халқаро аксилтеррор курашига қўшаётган муносиб ҳиссаси муносабатларимизни ривожлантиришга ундайдиган қўшимча омиллар эканлигини таъкидлади.

Мулоқотлар давомида икки томон ҳам бир-бири учун очиқлигини, бир-бирини ҳурмат қилишини, тараққиётига ҳисса қўшиш ниятида эканлигини, дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга биргаликда хизмат қилишга шайлигини таъкидлади. Полша Президенти бундай жонли мулоқотларни кўпайтириш икки томон манфаатларига мос келишини айтиб, Ислом Каримовни ўз мамлакатига таклиф этди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Полша Республикаси Президенти Александер Квасневскийнинг қўшма коммюникеси имзоланди. Шунингдек, ҳукуматлар ўртасида уюшган жиноятчиликка қарши курашда ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Мамлакатимиз раҳбари музокара якунлари ҳақида сўзлар экан, томонларнинг кўрилган барча масалалар бўйича фикрлари бир жойдан чиққани, эндиги вазифа мана шу ҳамфикрликни амалиётга кенгроқ жорий қилишдан иборат эканлигини таъкидлади.

Куннинг иккинчи ярмида олий мартабали меҳмон пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди.

(ЎзА)

ТИЛ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ



(Давоми. Боши 1-бетда)

ган тош ва унинг ёнида ўша давр миллий либосини кийган она сиймосидаги мактаб ўқувчиси ахборот беради.

"Девони луғотут-турк" асарининг бир ёғду манбаи" деб номланган иккинчи йўлакдан кейин "Туркий тилда битилган шоҳ асар" йўлаги эса Алишер Навоий битган "Хамса" ҳақида ҳикоя қилади. Тўртинчи йўлак "Соғинч тўла дилимни она тилим овутгай", бешинчи ва олтинчи йўлаклар эса "Мозийга бир назар", ва ниҳоят, "Истиқлолга юз тутган тилим" деб номланиб, улар ҳам муайян мавзуни очиб беришга хизмат қилган. Ўқувчилар гоҳ Машраб бўлиб, гоҳида Бобур, Лайлию Мажнун, Фитрату Абдулла Қодирий сиймосини ижро этишди. Ўқувчилар ўз узтозлари бошчилигида хоҳ ғазал ўқишсин, хоҳ дуторда қўшиқ куйлашсин ўзбек тилининг жозибасини кўрсата билишди.

Андижон вилоятидан келган А.Охунжонов, К.Мухторов ва Т.Мусаевалар ушбу композиция бўйича шундай фикр билдирдилар:

— Семинар бизда катта таассурот қолдирди. Айниқса, аждодларимиз тарихи бўйлаб уюштирилган саёҳат бадиий композицияси бир умр ёдимиздан чиқмаса керак.

Кейин барча меҳмонлар синфхоналарга таклиф этилдилар. Эътиборлиси, барча дарслар байрамга бағишланибди. Улардан биридан иштирок этган Республика таълим маркази бўлим мудири Назира Ғуломова шундай фикр билдиради.

— Биз, бир гуруҳ анжуман қатнашчилари билан М. Пўлатованинг 9-синфдаги адабиёт дарсини кузатдик. Дарс мавзуси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланди. Дарс ўзига хос тарзда телекўрсатув шаклида ташкил этилди. Ўқувчилар давра столи атрофида жойлашдилар. Ўқитувчи бошловчи эса улар марказида кўрсатувдарсни бошлади. Кўрсатув номи "Олтин мерос", уларнинг мақсади олий туйғулар соҳибини шакллантириш эканлигини эълон қилди ва сўзни жойлардаги тележурналистларга берди. Улар Андижон, Самарқанд, Кобул, Ҳиндистон каби Бобур қадамжолари етган ҳудудлардан тайёрланган лавҳаларини эшиттирдилар. Андижондан тайёрланган лавҳада Бобур шажараси, унинг ота томонидан темурийларга, туташган эканлиги, Бобур сўзи "шер" деган маънони англатиши, унинг ўзи ҳам худди шердай кучли бўлганлиги, икки қўлида бемалол икки кишини кўтара оладиган паҳлавон саркарда эканлиги ва ҳоказо маълумотларни келтирди. Ҳар бир шаҳардан тайёрланган лавҳада ўқувчи-журналистлар Бобурнинг ўша ерда кечган ҳаёти, амалга оширган маданий-маърифий ишлари, курашлари ва ижоди ҳақида, "Бурнома"даги абадият сиймолари ҳақида атрофлича тўхталдилар.

Дарснинг анжуман қатнашчиларига маъқул бўлган жиҳати шундаки, ўқувчилар дарсликларда бўлмаган, тарихий манбаларда кам учрайдиган ноёб маълумотларни йиғибдилар.

Ҳар бир лавҳадан кейин ўқувчилар шу маълумотлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, баҳс-мунозарага киришдилар. Лавҳалар мазмуни Бобур рубоийлари ва ғазалларидан ёд ўқилиб бойитилди ва улар бадиий таҳлил қилинди. Айниқса, рубоийлар таҳлилида Бобурнинг инсон, шоир сифатидаги руҳий кечинмалари, ҳиссиётлари, инсоний фазилатлари ва шоҳ сифатидаги қарашларига алоҳида урғу берилди. Бобур рубоийларининг яратилишига туртки бўлган тарихий воқеалар хусусида фикр билдирилди. Шунингдек, шоирнинг насрий, назмий, илмий асарларининг қўлами таржималари, у яратган боғлар хусусида қисқа, аниқ, лўнда жавоб талаб қиладиган тестлар ўртага ташланди. Бобур жамғармаси томонидан амалга оширилаётган аҳамиятга молик ишлар ҳақида кенг маълумот берилди.

Ўқитувчи ёш бўлишига қарамай адабий таълимнинг мақсад ва вазифаларни тўғри тушунган, ўз фанини пухта билади. Ижодкор, изланувчи ташкилотчи эканлиги кўриниб турибди. Нутқи ҳам равон, аниқ, лўнда. Энг асосийси, бу жиҳатлар ўқувчиларда ҳам акс этган.

М.Пўлатованинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси сифатидаги бошқа дарслари ва синфдан ташқари ишлари билан ҳам танишдик. Мен ўйлайманки, ўқитувчи ўқувчилар севимли Ватани ҳақида шеър, қўшиқ ва рақслар тайёрлаб ижро этишади. Энг яхши фестивал ўтказган мактаблар ШХТБ томонидан мукофот билан тақдирланадилар.

Мактабларни замон талабларига хос жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида шаҳар ҳокимлиги ва "Зарафшон — Ньюмонт" қўшма корхонаси 2001 йилда 11 та шаҳар ва посёлка мактабларини 85 млн. сўмлик замонавий компьютер синфлари (Pentium-III) ва принтер билан таъминлади.

Бундан ташқари, мазкур қўшма корхона кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларни 34 млн. сўмлик дарслик билан таъминлади, болалар боғчалари ва меҳрибонлик уйларига моддий ёрдам бермоқда. Бундай саховат, албатта таълим сифати, жумладан, ўзбек тили таълими сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Педагогларимиз давлат тилини ўргатиш учун барча воситалардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

Г.АКСЮЧИЦ,
Зарафшон шаҳар халқ таълими бўлими мудири

ФАКУЛЬТЕТДА ТЕЛЕРАДИОМАРКАЗ

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида янги телерадиостудия иш бошлади.

"Сорос" очиқ жамиятининг кўмак жамғармаси томонидан тақдим қилинган замонавий рақамли ёзув ускуналари ёрдамида факультет талабаларининг малакали таҳсил олишларига кўмак берувчи, ҳамда назариядан ажралмаган ҳолда амалий машғулотларни ўташга хизмат қилувчи телерадиомарказ факультет таълим тизими такомиллашиб бораётганидан ёрқин далолатдир.

Yangilik

Тадбирни Миллий университет ректори Тўрабек Долимов кириш сўзи билан очар экан, факультетнинг "Сорос" очиқ жамияти билан олиб бораётган ҳамкорлик алоқаларига ижобий баҳо берди. Бугун тақдимот маросими бўлиб ўтаётган телерадиомарказдан ташқари, жамғарма билан биргаликда факультет талабалари ўртасида бир қанча тренинг машғулотлари, семинар ва конференциялар уюштирилган, грант асосида ўқув адабиётлари яратилган, хориждан нодир ўқув дарсликлари сотиб олинган. Тадбирда иштирок этган республика олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов, янги иш бошлаган телерадиомарказ талабаларнинг юқори малакали билим олишларида катта имкониятлар яратишига умид билдирди.

"Сорос" очиқ жамиятининг ижрочи директори А. Илҳомов тадбирда қатнашиб, жаҳоннинг энг машҳур "Panasonic", "JVC", "Samsung", "LG", "HP" компанияларидан сотиб олинган асбоб-ускуналар маҳаллий теле ва радиожурналистларни профессионал даражада тайёрлаш, улар малакасини ошириш, техник билимларини кенгайтириш мақсадларида ишлатилади, дея таъкидлади. Факультет телерадиомарказининг замонавий ускуналари ёрдамида талабалар томонидан тайёрланган теле ва радио эшиттиришлар бевосита Ўзбекистон телерадиокомпанияси дастурлари орқали эфирга узатиш имкониятини беради.

Тадбирда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кўпгина хорижий давлатларнинг фавқулодда ва мухтор элчилари ҳам иштирок этдилар ва янги телерадиомарказ иши билан яқиндан танишдилар.

Азиз НОРҚУЛОВ,
Ўткир ДЕҲҚОНОВ,
ЎзМУ журналистика факультети талабалари

ДАВЛАТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШГА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА

Зарафшон — ёшлар шаҳри. Зарафшон мактабларида 14 минг ўқувчи ўрта маълумот олиш учун ўқийди, уларга 925 ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда.

Зарафшон шаҳар халқ таълими бўлими 1998 йилдан буён Навоий вилояти ХТБ лари орасида рейтинг кўрсаткичларида биринчи ўринда.

Бундай ўринни олишлари педагогларнинг талабчанлиги, меҳнатсеварлиги натижасидир. Ҳар йили вилоят ва шаҳар миқёсида 12-15 та семинар-тажрибалар бўлиб ўтади. Бу машғулотларда, албатта зарафшонлик моҳир педагоглар ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Кўпчилик маҳоратли педагог-тарбиячилар, "Йил ўқитувчиси", "Йил тарбиячиси", "Йил мактаби" каби кўрик-танловларда қатнашиб ғолибликни қўлга киритдилар. Ўқитувчиларимизнинг сермазмун меҳнати самараси ўз шогирдлари ҳаётида, масалан, фан олимпиадаларида ва бошқа танловларда эришган ютуқларида, шунингдек, битирувчиларнинг олий ўқув юртларига кириб ўқишларида сезилади.

Анъаналарга айланиб қолган "Сиз қонунни биласизми?", "Менинг Ватаним тимсоли", "Экология — болалар нигоҳида", "Конституция — бахтимиз пойдевори" каби кўрик-танловларда зарафшонлик ўқувчилар фахрли 1-ўринни эгаллаб келмоқда. Иқтидорли болалар орасида ҳам алоҳида машғулотлар ўтказилиб, ҳар йили 2000 ўқувчи фанларни чуқур ўзлаштирмоқда.

Зарафшон мактабларида таълим тўрт тилда — ўзбек, рус, қозоқ, туркман тилларида олиб борилади. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 4363 нафар ўқувчиси, таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 3882 нафар ўқувчиси, таълим туркман тилида олиб бориладиган мактабларнинг 481 нафар ўқувчисига 34 нафар ўзбек тили ўқитувчилари дарснинг самарали ва илғор усулларига асосланиб дарс бермоқда.

8726 нафар ўқувчи таълим олаётган мактабларда синф (гуруҳ)ларга бўлиниб, ўзбек тили ўргатилмоқда. Ҳамма мактабларда ўзбек тилини ўргатиш бўйича кўргазмалар тайёрланган, тадбирлар тузилган. Шаҳар ХТБ кенгаш йиғилишида мактабларда "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг бажарилишини доимий муҳокама қилиб борадилар.

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳақида шеърлар, тадбирлар уюштирамиз.

Яхши ишлаётган ўзбек тили ўқитувчилари ишлари шаҳар халқ таълими бўлимида оммалаштирилган. Масалан, 2-мактабдан З.Старцова, 4-мактабдан З.Қурбоноваларнинг фаолияти фикримизга далилдир.

Ижодий ишлар ёзишга катта эътибор қаратилган. Мактабларда "Энг яхши ўзбек тили хонаси" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Яхши деб топилган ўзбек тили хонаси ўқитувчиси мукофотланди. У ерда фақат дарс ўтибгина қолмай, "Ўзбек тилини ўрганамиз" тўгараклари ташкил қилинган.

Мактабларда "Ўзбек тили ойлиги"ни ўтказиш ҳам одат тусига кириб қолди. Ҳамма мактабларда "Ўзбек тилим — жону дилим" деб номланган фестивал бўлиб ўтади. Бу фестивалда ўқувчилар ўзбек тили ва адабиётидан намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича) сингари танловларни ўтказиш, ўзбек тилига бағишланган кечалар, давра суҳбатлари, беллашувлар ўтказишни ташкил этиш;

— ўзбек халқининг ўрф-одатлари, тили, миллий-маданий қадриятларига оид хоналар ташкил этиш;

— қўшимча таълим марказларида ўзбек халқи миллий-маданий меросини, шунингдек, қардош халқлар маданиятини акс эттирувчи, турмуш тарзини намойиш этувчи ўйинчоқлар, либослар, буюмлар кўргазмасини ташкил этишга эътиборни қаратиш (тикувчилик, юмшоқ ўйинчоқлар тўгараклари асосида);

— ўзбек халқининг ва қардош халқларнинг миллий қадриятларига бағишланган тадбирларни мунтазам ўтказиб боришга эришиш ҳамда бу борада ҳомийлик ишларини намунали тарзда ташкил этиш.

IV. Ҳокимликлар, оталиқ ва ҳомий ташкилотлар, корхоналар, муассасалар жамоалари ва ходимларига:

— ўзбек тилини ривожлантиришга қаратилган барча тадбирларда фаол иштирок этиш учун мазкур тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни йўлга қўйиш;

— ўзбек тилини лотин ёзувига асосланган алифбо асосида ўргатиш ва ўрганишга доир жойларда тегишли чора-тадбирларни белгилаш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш;

— корхона, ташкилот, муассасаларда ўзбек тилига бағишланган тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш, зарурий эҳтиёж бўлмаган ҳолларда амалий тадбирлар (йиғилишлар, мажлислар, суҳбатлар), меъёрий ҳужжатларнинг ўзбек тилида юритилишига амал қилиш.

V. Маҳалла фаолларига:

— жойларда умумтаълим мактаблари билан ўзаро алоқани мустаҳкамлаш, "Мактаб, оила, маҳалла" ҳамкорлигини ўрнатиш, маҳаллада ўтказилаётган тадбирларда ўқувчи ёшларни миллий ғоя ва миллий мафкура асосида тарбиялашда жамият ҳаётида ибрат кўрсатган намунали хулқ эгалари бўлган шахслар билан очиқ мулоқотлар, тарбиявий суҳбатлар ўтказишга эътиборни қаратиш;

— маҳаллада ўтказиладиган "Маҳаллам — кичик оилам" мавзусидаги тарбиявий тадбирларда ўзбек тилига бўлган ҳурмат, ёшларнинг халқимизнинг миллий, маданий меросига бўлган эътибори, бу қадриятларни келгуси авлодларга соғлом онг, соғлом фикр тарзида етказишни йўлга қўйиш, юртимиз фарзандларининг носоғлом муҳитга тушиб, қора ниятли гуруҳларга қўшилиб қолмаслигига эътибор бериш.

2002 йил 18 октябрь Республика семинар-кенгашида қабул қилинган.

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлимида Давлат тилининг 13 йиллигига бағишланган туман миқёсидаги катта байрам тадбири уюштирилди.

Тадбирда туман мактаблари ўқувчилари ва боғча тарбияланувчилари ўз чиқишлари билан иштирок этдилар.

Tadbir

Тилимиз буюклигини бола руҳиятига сингдириш, унинг софлиги учун жон куйдириш, аввало, боғчадан бошланади. Байрам тадбирида русийзабон боғча тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчилари тилимизга бўлган ҳурматларини ўзлари ёд олган шеър ва қўшиқларда намоён этдилар.

Фаррух БЎТАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили тўғрисида"ги қонун қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган "Ўзбек тили ва умуминсоний қадриятлар" мавзусидаги Республика семинар-кенгаши

ТАВСИЯЛАРИ

1. Мактабгача таълим муассасалари педагогик ходимлари ва тарбиячиларига:

— кичик ёшдаги болаларга ўзбек тилини ўргатиш, ўзбек тили машғулотларининг мазмунли бўлишига эришиш;

— ўзбек тили машғулотларида ўзбек тилида оддий мулоқот сўз бойлигига эътибор бериш жараёнида кичик ёшдаги болаларнинг ўзбек халқи урф-одатлари, удумлари, маданияти ҳақидаги тасаввурларини ҳосил қилишга эътибор бериш;

— мактабгача таълим муассасаларида ўзбек тили тарбиячилари учун доимий ҳаракатдаги ўзбек тили семинарларини, ўзбек тили ҳафталикларини ўтказиш;

— мактабгача таълим муассасаларининг катта гуруҳларида миллий урф-одатларга бағишланган танловлар ўтказиш;

— мактабгача таълим муассасаларида (рус, қозоқ ва бошқа гуруҳларда) байрам тантаналарини, мусобақа, кўрикларни ўзбек тилида олиб боришга эътибор бериш;

— мактабгача таълим муассасаларида ўзбек тили хоналари, миллий бурчаклар, шунингдек, ўзбек алломаларига доир бурчаклар ташкил этиш ва уларни зарурий техника воситалари, кўргазмали қуроллар билан жиҳозлаш;

— мактабгача таълим муассасаларида ўзбек тили машғулотларини тажрибали, малакали ўзбек тили ўқитувчиси олиб боришини таъминлашга эришиш;

— ўзбек тилини ўргатишда дидактик ўйинлар, суҳбат, ҳикоя, саёҳат, видео тасвир, кино тасвирлардан фойдаланиш;

— вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти курсларида мактабгача таълим муассасалари ўзбек тили ўқитувчилари учун якуний синовлар жорий этиш, таълим бошқа тиллардаги гуруҳларнинг тарбиячилари учун доимий ўзбек тили тўгаракларини ташкил этиш ва фаолиятини такомиллаштиришга эришиш;

— мактабгача таълим муассасаларида кичик ёшдаги болаларга ўзбек тилини ўргатиш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш, таҳлил этиш, оммалаштириш.

II. Умумтаълим мактаблари педагог ходимлари ва раҳбарларига:

— Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили тўғрисида"ги қонун ва "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Давлат дастурини амалиётга жорий этиш бўйича тадбирларни бажаришга эришиш;

— таълим бошқа тиллардаги мактабларда ўзбек тилини чуқур ўргатиш бўйича ихтисослаштирилган синфлар ташкил этиш, мазкур синфларда ўзбек халқининг маданияти, тарихи, маърифий мероси тўғрисида ўқувчиларга чуқур маълумот ва билим беришга эътиборни қаратиш, барча мактабларда ўзбек тилини ўқитишда замонавий дарс турларидан, янги педагогик технология асосларидан, илғор тажрибалардан, янги ахборот манбаларидан унумли фойдаланишни, Давлат таълим стандартлари асосида таълим ва тарбия беришни йўлга қўйиш;

— барча умумтаълим мактабларида ўзбек тили ҳафталиклари, ўзбек тили ўқитувчилари (ёш мутахассислар) учун "Очиқ эшиклар куни", ўзбек тилига бағишланган кўрик-танловлар, конференциялар, амалий семинарлар ўтказишга эътиборни қаратиш;

— умумтаълим мактабларида таълим бошқа тиллардаги мактаб ўқувчилари учун ўзбек тили тўгаракларининг фаолиятини такомиллаштириш, тўгарак машғулотларида ўзбек халқига хос миллий қадриятлар, урф-одатлар, удумлар, маросимлар, халқ байрамлари, Шарқ алломалари тўғрисида кенгроқ маълумот беришга эришиш;

— ўзбек тилини ўқитишда она тилининг бойлигини оширувчи воситалардан, тил луғат заҳирасининг кўп қирралилигига, кўп маънолилигига эътибор бериш, ўқувчилар орасида адабиёт бўйича ноёб истеъдодли болаларни аниқлаш, улар иқтидорини ўстиришда бор имкониятлардан фойдаланиш;

— ўзбек тилини ўқитишда ўқувчилар билим даражаси сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизимидан босқичма-босқич равишда унумли фойдаланишга эътиборни қаратиш;

— барча умумтаълим мактабларида ёшларни ҳарбий чақириққа тайёрлаш, жисмоний тарбия дарсларини ўзбек тилида олиб боришни йўлга қўйиш;

— барча мактабларда ўзбек тили ва адабиёт хоналарини техника воситалари, кўргазмали қуроллар асосида замонавий жиҳозлашга эътибор бериш, "Энг яхши ўзбек тили хонаси" танловини ўтказиш;

— ўзбек тили ўқитувчиларининг энг яхши тажрибалари семинар-кенгаш, буклет, рисола, варақа тарзида ва матбуотда ёритиш орқали оммалаштирилишига эътибор бериш;

— вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш институти курсларида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларининг малакасини оширишда энг яхши тажрибалар мужассамланган ўқув машғулотларини ташкил этишга эришиш.

III. Мактабдан ташқари таълим муассасалари педагог ходимлари, тарбиячилари ва мураббийларига:

— вилоят "Хорижий тилларни ўрганиш маркази"да инглиз, француз, немис тилини ўргатиш билан бирга ўзбек тилини пухта ва мукаммал ўргатишни йўлга қўйиш;

— умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликда 8-11- синф ўқувчилари ўртасида "Энг яхши ўзбек тили сухандони", "Энг яхши ўзбек тилидаги қўшиқлар ижрочиси", "Энг яхши таржимон", "Менинг биринчи таржимам" (қардош халқлар адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича) сингари танловларни ўтказиш, ўзбек тилига бағишланган кечалар, давра суҳбатлари, беллашувлар ўтказишни ташкил этиш;

— ўзбек халқининг ўрф-одатлари, тили, миллий-маданий қадриятларига оид хоналар ташкил этиш;

— қўшимча таълим марказларида ўзбек халқи миллий-маданий меросини, шунингдек, қардош халқлар маданиятини акс эттирувчи, турмуш тарзини намойиш этувчи ўйинчоқлар, либослар, буюмлар кўргазмасини ташкил этишга эътиборни қаратиш (тикувчилик, юмшоқ ўйинчоқлар тўгараклари асосида);

— ўзбек халқининг ва қардош халқларнинг миллий қадриятларига бағишланган тадбирларни мунтазам ўтказиб боришга эришиш ҳамда бу борада ҳомийлик ишларини намунали тарзда ташкил этиш.

IV. Ҳокимликлар, оталиқ ва ҳомий ташкилотлар, корхоналар, муассасалар жамоалари ва ходимларига:

— ўзбек тилини ривожлантиришга қаратилган барча тадбирларда фаол иш-

Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича чоп этилган энг сара ишларнинг танловини ўтказиш

НИЗОМИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ўзбекистон фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакат аҳлини Миллий истиқлол ғоясига садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан барпо этишдек улуғ ва олижаноб мақсадга эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Шу боис ҳам Миллий истиқлол ғояси ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, миллий маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб-авайлаб, умуминсоний қадриятлар билан озиқлантириб, ўсиб келаётган ёш авлодга етказишга изчил хизмат қилишини эътиборга олиб, республика Маънавият ва маърифат Кенгаши "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича илмий-тадқиқотлар ва амалий ишларни ривожлантириш мақсадида шу йўналишда чоп этилган энг сара илмий ва илмий-оммабоп асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари, мультимедия дастурлари ва махсус электрон қўлланмалар, мақолалар, радиоэшиттириш ҳамда телекўрсатувлар танловини ўтказади.

Мазкур танловда бу йўналишда иш олиб бораётган барча давлат ва нодавлат ташкилотлари, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим муассасалари ҳамда илмий муассасаларнинг, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари қатнашишлари мумкин.

Танловга илм ва ижод аҳлининг нашр қилинган ишлари (бундан кейин — асарлар): илмий ва илмий-оммабоп асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари, мультимедия дастурлари ва электрон қўлланмалар, мақолалар ҳамда радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар қабул қилинади.

Танловга тавсия этилган асар муаллифларининг сони 4 кишидан ошмаслиги керак.

Танловга асарлар республика Маънавият ва маърифат Кенгаши (Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй)да қабул қилинади.

Миллий истиқлол ғояси бўйича нашр этилган ишлар орасидан энг юксак даражадагиларини ажратиш, юқори малакали олим ва мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ўз таъсисчилари бўлган вазирлик ва идоралар, жамғарма ва компаниялар ҳамкорлигида:

1. Энг яхши илмий ва илмий-оммабоп асар.
2. Энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма.
3. Энг яхши мультимедия дастур ва махсус электрон қўлланма.
4. Энг яхши мақола.
5. Энг яхши радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатув йўналишларида беш номинация бўйича танлов эълон қилади. Танлов мазкур Низом асосида амалга оширилади.

II. ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

2.1. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун танлов ҳайъати таркиби шакллантирилади. Танлов ҳайъати ва секциялар бўйича экспертлар гуруҳи таркиби республика Маънавият ва маърифат Кенгаши йиғилишида тасдиқланади.

2.2. Танловга тақдим этилган асарларга оид ҳужжатлар асарларни номинациялар бўйича тавсия этадиган ташкилотлар, танлов ҳужжатларини расмийлаштириш қоидалари асосида расмийлаштирилган бўлиши керак. Улар танлов ҳайъати томонидан қабул қилинади ва номинациялар бўйича тақсимланади.

2.3.Танлов икки босқичда ўтказилади.

Биринчи босқичда танловга тушган асарлар Ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва тегишли номинациялар бўйича ташкил этилган секцияларга эксперт гуруҳининг хулосасини олиш учун юборилади. Эксперт хулосасини олиш муддати — бир ҳафта. Экспертиза натижасида ҳар бир асарнинг баллар асосидаги умумий баҳоси ва эксперт гуруҳи аъзоларининг шахсий хулосалари акс этиши керак.

2.4. Танловга тақдим этилган асарларни баҳолаш мезонлари (илова) асосида секциялар эксперт гуруҳлари ҳар бир номинация бўйича энг юқори балларни олган асарларни Танлов ҳайъатига ғолибларни аниқлаш учун тавсия этадилар.

2.5. Иккинчи босқичда Танлов ҳайъати номинациялар бўйича секцияларнинг экспертиза натижаларига асосан энг юқори баҳо олган асарларни кўриб чиқиб, ҳар бир номинация бўйича ғолибларни аниқлайди.

2.6. Номинациялар бўйича ғолиб деб топилган асарлар очиқ овозга қўйиб тасдиқланади ва тақдирлаш учун республика Маънавият ва маърифат Кенгашига тавсия этилади.

2.7. Танлов ҳайъати хулосасига кўра, танлов натижалари ва унинг ғолибларини республика Маънавият ва маърифат Кенгаши раиси тасдиқлайди. Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Кенгашнинг "Маънавият фидойиси" дипломи ва энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланади. Ҳар бир номинация бўйича биттадан қўшимча рағбатлантирувчи — энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдоридаги пул мукофоти белгиланади. Алоҳида ҳолларда бир номинация бўйича ғолиблик бир ёки икки асар учун ҳам берилиши мумкин. Мукофотнинг пули бундай ҳолатда тенг улушларда тақсимланади.

2.8. Ҳаммуаллифликда яратилган асар учун бериладиган мукофот пули муаллифлар орасида тенг улушда тақсимланади.

2.9. Пул мукофотлари республика Маънавият ва маърифат Кенгаши таъсисчилари ҳисобланган қуйидаги вазирлик ва идоралар, жамғарма ва компаниялар:

1) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;
2) Халқ таълими вазирлиги;
3) Матбуот ва ахборот агентлиги;
4) Фан ва технологиялар маркази;
5) Фанлар академияси;
6) Ўзтелерадиокомпанияси;
7) Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази;
8) Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси;
9) Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси;
10) Имом ал-Бухорий жамғармаси;
11) "Ўзбектуризм" компанияси;
12) Тошкент ислом университети ва бошқа ташкилотлар томонидан ажратилган ҳомийлик маблағлари асосида шакллантирилади.

2.10. Танлов ғолиблари Мустақиллик куни байрами арафасида — август ойининг иккинчи ярмида илм-фан, адабиёт ва санъат намояндалари, кенг жамоатчилик иштирокида республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг тантанали мажлисида Кенгаш дипломи ва пул мукофоти билан тақдирланадилар.

2.11. Танлов ҳайъати аъзолари бўлган олим ва мутахассисларнинг ишлари ёки уларнинг раҳбарлиги остида бажарилган ишларини баҳолаш уларнинг иштирокисиз ҳал қилинади.

III. АСАРЛАРНИ НОМИНАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ТАВСИЯ ЭТАДИГАН ТАШКИЛОТЛАР, ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Танловга тақдим этилаётган ҳар бир асарга йўлланма хат тузилиб, унда:

а) илмий ва илмий-оммабоп асар, дарслик ва ўқув қўлланмаси, мультимедия дастури ва электрон қўлланма, мақола кўринишида нашр қилинган асар, радиоэшиттириш ёки телекўрсатувнинг номи;

б) асарнинг муаллифи ёки муаллифлари ҳақида маълумот: фамилияси, исми, шарифи (паспорт бўйича), турар жой манзили, иш жойи ва лавозими;

в) асар яратилишининг молиявий манбаи кўрсатилиши керак.

Хатда ташкилот раҳбарининг имзоси бўлиши шарт. Агарда раҳбар муаллифлар қаторига киритилган бўлса, хатга унинг ўринбосари имзо қўйиши мумкин.

2. Хатга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:

а) икки нусхада асар (мультимедия ва электрон маҳсулотлар дискет шаклида, мақола газета ёки журналнинг асл нусхаси илова қилинган ҳолда, радио ва телемаҳсулотлар аудио-видео ёзув тасмалари нусхаларида);

б) асарни тақдим этаётган ташкилотнинг илмий-техника, бадиий-ижодий кенгаши ёхуд мажлиси баённомасидан кўчирма тақдим этилиб, унда асарнинг танловга тақдим этишга сазоворлиги объектив асослаб берилиши шарт;

в) асар — (илмий иш, мақолалар, радиоэшиттириш ва телекўрсатув)нинг қисқача аннотацияси (3 бетгача). Унда мазкур асарнинг мамлакатимизда Миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, жамиятда маънавий ва маърифий бойликларни ривожлантириш ва шу йўналиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада ривожлантиришда тутган аҳамияти акс этиши шарт. Аннотация давлат тилида барча муаллифларнинг имзоси билан топширилади.

Ҳужжатлар бир нусхада алоҳида папкага тикилган ҳолда қабул қилинади. Папка устида асарни тавсия этаётган ташкилотнинг номи, илмий ишнинг, мақоланинг, радиоэшиттириш ва телекўрсатувнинг номи, муаллифларнинг фамилияси, исми, шарифи келтирилиши шарт.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Миллий истиқлол ғояси мавзусида нашр этилган ишлар орасидан энг юксак даражадагиларини ажратиш, юқори малакали олим ва мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ўз таъсисчилари бўлган вазирлик ва идоралар, жамғарма ва компаниялар ҳамкорлигида қуйидаги йўналишлардаги беш номинация бўйича танлов эълон қилади:

1. Энг яхши илмий ва илмий-оммабоп асар;

2. Энг яхши дарслик ва ўқув қўлланмаси;

3. Энг яхши мультимедия дастури ва махсус электрон қўлланма;

4. Энг яхши мақола;

5. Энг яхши радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатув.

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Кенгашнинг дипломи ва энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланади.

Мазкур танловда бу йўналишда иш олиб бораётган барча давлат ва нодавлат ташкилотлари, халқ таълими, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими, олий таълим тизимидаги ўқув юртлари ҳамда илмий муассасалар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари қатнашишлари мумкин.

Танловга асарлар республика Маънавият ва маърифат Кенгаши жойлашган Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уйда қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар:
139—05—22, 139—05—37.
Факс: 133—67—91.
Танловга марҳамат!

2002-2003 O'quv yili — Xalq ta'limi tizimi muassasalarida metodik xizmat ko'rsatishni takomillashtirish o'quv yili

РЕЖАЛИ ИШ НАТИЖАСИ

Бўзлик муаллимлар Андижон вилоятида ўз салоҳиятлари, изланишу интилишлари билан ажралиб туради. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи вазифалари — таълим мазмунини такомиллаштириш ҳамда таълим сифатини ошириш борасида арзирли муваффақиятга эришаётган туман халқ таълими ходимлари республика халқ таълими вазирлиги томонидан 2002-2003 ўқув йилини Халқ таълими тизими муассасаларида методик хизматни такомиллаштириш ўқув йили деб эълон қилинишини ташаббускорлик билан қарши олдилар.

Айтиш мумкинки, туманда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Энг аввало, 2001-2002 ўқув йили давомида методик хизматга бўлган эҳтиёж муфассал ўрганиб чиқилди ҳамда унга мувофиқ равишда таълим муассасаларига методик хизмат кўрсатишнинг истиқбол дастурини, амалга ошириш тадбирлари белгилаб олинди. Шунингдек, туман халқ таълими бўлими қошида "Методика кутубхонаси" "Методик хизмат кўрсатиш хонаси" ташкил этилиб, методик тавсия ишлаб чиқилди ва таълим муассасаларига етказилди. Шунинг билан бирга ёзги таътил даврида махсус жадваллар асосида бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан машғулотлар олиб борилди.

Бу ишлар туманда 2000 йилдан буён фаолият кўрсатаётган шўъба йиғилишларининг ҳосилидир. Шўъба йиғилишларининг ташкил этилиши ўқитувчилар билан яқиндан мулоқот қилиш, уларнинг ишидаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш имкониятини яратди.

Туман халқ таълими бўлими методика кабинетининг методистлари тумандаги 28 та умумтаълим ҳамда 26 та мактабгача таълим муассасаларига бириктирилган бўлиб, ойнинг ҳар ўн беш куни ичида кўрсатилаётган амалий ёрдам ҳақида мунтазам ахборот бериб бормоқдалар. Ҳозирги кунда 8 та мактаб узлуксиз методик хизмат кўрсатиш бўйича таянч мактабга айлантирилган. Шунингдек, 2 та ихтисослашган мактаб, 5 та умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг компьютер техникасидан фойдаланишлари учун имконият ва шароит яратилди. Бундан ташқари, 4-, 6-умумтаълим ва 18-ихтисослашган мактабларда модем алоқаси ўрнатилган.

Ёшларнинг билим самарадорлигини оширишдаги ҳаракатларидан бири масофавий тест топшириш тизимининг республика умумтаълим муассасаларида биринчиларидан бўлиб тумандаги 18-ихтисослашган мактабда ташкил этилишидир. Ушбу тизим ўқувчи-ёшларга фанлар ва уларнинг бўлимлари бўйича ўз билим даражаларини текшириб кўриш ҳамда ўз мактабида ўтириб, Тошкентдаги дистанцион компьютер тестлари сервери билан боғланиш имкониятини берди.

Ўқувчилар тест топшириб, уларни бажариб бўлгач, бир неча дақиқа ичида жавоблари натижасини қабул қилиб олади. Натижада ўқувчилар ўз билим савияларининг нисбий ўлчовини ва фаннинг қайси бўлимларидан оқсаётгани, қайси бўлимларидан яхши билимга эгалигини билиб оладилар.

Туманда "ЮНИСЕФ" халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилган "Yavenal adliya" вояга етмаганларга нисбатан одил судлов асослари тренинг машғулотларида барча умумтаълим муассасаларидан 87 нафар педагог ходимлар иштирок этдилар. Ташкил қилинган курслар педагог ходимларда ноанъанавий дарс усуллари ва тренинг машғулотларини ўтказиш кўникмаларини шакллантирди. Хуллас, ТХТБ методика кабинети 2002-2003 ўқув йили даврий равишда интерфаол методларда семинар-тренингларни ташкил этиш ва ўтказишни йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

О.СИДДИҚОВ,
махсус мухбиримиз

керакли жиҳозлар ва энг янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, дарс ишланмалари, методик тавсиялар, ўқув режалари билан тўлиқ таъминланган. Шунингдек, бу ерда газета ва журналлар тўпламлари ҳам мавжуд.

Дастлаб туман халқ таълими бўлими методика кабинети ҳузуридаги методика кенгашининг пухта иш режаси ишлаб чиқилди ва режа асосида ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда иш юритилмоқда. Туман халқ таълими тизими муассасаларида методик хизмат кўрсатишнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида бу соҳадаги дастлабки тадбирлар мактабгача тарбия муассасаларидан бошланди. Ҳозирги кунда туманда 2045 нафар бола 26 та мактабгача тарбия муассасаларига жалб қилинган. Болаларни мактаб таълимига тайёрлашни кенгроқ қамраб олиш мақсадида 9 та қисқа муддатли гуруҳлар, мактаблар қошида эса 7 та тайёрлов гуруҳлари очилди.

Маълумки, узлуксиз методик хизмат кўрсатишни такомиллаштиришда ўқув фанларидаги муаммолар ва уларнинг ечимини аниқлаш муҳимдир. Туманда 2001-2002 ўқув йили давомида ДТС да белгиланган талаблар асосида ҳар бир ўқув фанидан синфлар бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ўрганиб чиқилди. Таҳлиллар натижасида аниқланган турли фанлардан бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан чуқурроқ ишлаш чоралари белгиланди. Натижада ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдиришда ижобий кўрсаткичларга эришилди. Жумладан, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзулар бўйича 52 та

МАНТИҚИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ЎЙИНЧОҚ



Sevimli o'yinchoqlar

Ҳар бирингиз мактабгача таълим муассасасини кўз ўнгингизга келтирганингизда, энг аввало, хоналар тўла ўйинчоқларни, рангбаранг, бир-бирига ўхшамас кўргазмали қуролларни тасаввур қиласиз. Бинобарин, бугунги кунда ўйинчоқлар мукаммал, қизиқарли, боланинг фикрлаш қобилияти ва тафаккурини ривожлантирадиган бўлиши кераклигини шароитнинг ўзи тақозо қилаяпти. Айни пайтда мутахассислар ва кичкинтойлар тарбиясида масъул бўлган шахслар томонидан англаб етилган мазкур тенденция ўйинчоқларнинг аввалгидек ўта содда ва фақат овунтирувчи восита сифатида ишлаб чиқарилишини ва амалиётда қўлланилишини инкор қилади. "Ривожланувчи муҳит боласи"нинг эҳтиёжлари ҳам бугун мана шу жиҳатдан ўрганилаяпти.

Айтайлик, айни шароитда болангизга ёки тарбияланувчиларингизга бирон-бир эртакними, масалними қизиқарли қилиб, ўта ҳис-ҳаяжон билан айтиб, ёки ўқиб берсангиз ҳам, у барибир сизни тингламайди. Тинглаган тақдирда ҳам, бор диққат-эътиборини ушбу қуруқ ҳикояга қаратмасдан, аксинча ташқи кўргазмали ахборотлардан завқланади. Шу сабабли тарбиячиларнинг болаларга ўргатмоқчи бўлган нарсалари улар хотирасида сақланиб қолиши, муаммоли вазиятлардан қўлидаги ўйинчоғи "ёрдами"да чиқиб олиши ва қатор етуклик босқичлари талабига биноан, ўйинчоқларнинг мукаммал, энг замонавий турларини яратиш вазифаси кўндаланг турибди. Бежизга "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да замонавий ўқув технологиялари билан бир қаторда ўйинчоқларнинг ҳам намунавий базаларини яратиш вазифа қилиб қўйилмаган. Шу ва шу каби юқоридагидек кўп қиррали эҳтиёжлар туфайли ҳар йили ўтказилаётган "Севимли ўйинчоқлар" кўрик-танловининг 2002 йилги республика босқичи якунлари билан сиз газетамиз орқали танишган эдингиз.

Аввал ният қилганимиздек, ҳар томонлама мукаммал, оммавий ишлаб чиқаришга мос, ғолиб ўйинчоқларга бағишланган туркум мақолаларимизни кўрик-танловда биринчи ўринга муносиб топилган Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 304-мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари Наталья Букраба ва Галина Демаковалар ясаган мантиқий тафаккурни ўстирувчи дидактик ўйинчоқ қурилмадан бошлаймиз.

Ушбу ривожлантирувчи ўйинчоқ "Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари" ва мактабга тайёрлаш мезонлари бўйича ясалган.

Шунингдек, ўйинчоқдан фойдаланиш доираси ҳам кенг қамровли. Яъни, уни 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар ўйнаши мумкин. Айниқса, уй шароитида ҳам, мактабгача таълим муассасаларида ҳам ҳеч қандай ортиқча хаттиҳаракатларсиз фойдаланса бўлади. Унинг жиҳозлари ҳам унчалик мураккаб эмас. Яъни тахтадан ясалган усти ёпиқ тортмали қутича, 12 та рангли фишка, 12 та турли мавзудаги карточкалар ва ўйин услубий кўрсатмасидан иборат. Ўйинчоқ қурилмаси четига рангли фишкалар қўйиладиган ва ўртасига жойлаштириладиган маълум йўналишдаги расмли доирадан ташкил топади. Доиранинг икки томонига ҳам расмлар туширилган. Унинг биринчи томонида ҳаракатлар кетма-кетлиги аралаш берилган. Кейинги томонида эса аксинча, ранглар ва ҳаракатлар тўғри берилган. Ҳар бир расм ҳам ўз навбатида маълум рангли айлана ичида жойлашади.

Мазкур ўйинчоқ билан ўйналадиган ўйин эса болаларда жамият аъзолари билан мулоқотда бўлиш, моддий борлиқни аниқ идрок этишни шакллантиради. Ўйинда бир ва ундан ортиқ (бу ҳолда ўйин мусобақа тарзида бўлади) болалар иштирок этиши мумкин. Аввало, бола чалкаш ҳолдаги расмлар кетма-кетлигини доира атрофидаги рангли фишкалар билан белгилайди. Шартнинг тўғри ёки нотўғри бажарилганлигини билиш учун доиранинг иккинчи, яъни тўғри томони устунчага кийдирилади. Агарда биронта ҳаракат тартиби ўзгарган ҳолда бажарилиб, хатолик ўтган бўлса, расмли доирачалар ранги четдаги фишкалар ранги билан тўғри келмайди. Буни бола ўз кўзи билан кўради ва хатоларини иккинчи такрорламасликка ҳаракат қилади ҳамда одатий турмушимиздаги бажариладиган ишларнинг ўз ўрнини билиб олади. Олайлик, 3—4 ёшли болаларга мўлжалланган "Болакайни кийинтиринг" карточкани ўйнаш орқали бола амалиётда ҳам ўз-ўзига хизмат қилиш кўникмаларини ўзлаштиради. Масалан, ўйинда биринчи бўлиб, болакайнинг ички кийимлари, сўнгра қалин кийимлари, пайпоғи, бош ва оёқ кийимлари ва ниҳоят қўлқопини "кийдиради" ва буни ўзи ҳам билиб олади.

"Сонларни тартиб билан жойлаштиринг" карточкаси эса 4—5 ёшли болаларда тезда эслаб қолиш қобилиятини ўстириб, катталик-кичиклик тушунчаларини ҳамда ранглар билан ишлай олишни ривожлантиради. Худди шунингдек, "Жўжа очилиши ва катта бўлиши", "Мевалар бўлагидан номини топинг" (6—7 ёшдаги болаларга), "Баргини топинг" (3-4 ёшлилар учун) карточкалари ҳам оддийдан мураккабга томон ўзгарувчи фаолиятлар ўрнини, уларни саралай олиш жараёнини ривожлантиради. Ва айниқса, болалардаги нутқ ва тафаккурни ўстириш, қўл моторикасини шакллантиришга хизмат қилувчи жиҳатлар ушбу ривожлантирувчи ўйинчоқнинг муваффақиятини кўрсатади. Эслатиш жоизки, карточкалар мазмунига қараб 30 ва ундан ортиқ хил йўналишга кўпайиши мумкин.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Бугунги кунимизни компьютерсиз тасаввур қила олмаймиз. Шу боис ёшларга бу борада таълим бериш муҳим аҳамият касб этмоқда. Самарқанд шаҳридаги гидромелиорация техникумининг давр талаби билан Компьютер технологиялари коллежига айлантирилиши бежиз эмас.

Мазкур даргоҳ икки йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Эндиликда у қайта таъмирдан чиқарилди ва энг замонавий ўқув қуроллари билан таъминланди. Ҳозир бу ерда 1650 нафар талаба ўн бир йўналиш бўйича малакали устозлардан таълим олмоқда.

Суратларда: 1. Самарқанд шаҳридаги Компьютер технологиялари коллежи ҳаётидан лавҳа.

2. Эрмуҳаммад Ҳошимов машғулот пайтида.

Тоҳир НОРҚУЛОВ
(ЎзА) олган суратлар.



Лекин, бугун бутун жаҳонга кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий моделимизни кўз-кўз қилаётган ушбу даврда замонавий академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи ўқувчи-талабасининг дарсга одмигина "пакет"лар билан келиши кишини таажжубга солиши табиийдир.

Бир қарашда бошқаларда ўзларига нисбатан ҳавас туйғуларини уйғота оладиган ўқувчилар, қараниқи, дарс пайтида мактабнинг кўз тушмас пана жойларида сигарета ғижиб ўтирганликларини кузатиб, қаттиқ ажабландик.

Ўқувчилар маданияти: у талабга жавоб бераяптими?

Сўнгги йилларда тубдан янгиланиб, ривожланиб келаётган ЎМКҲТ муассасаларидаги замонавий асбоб-ускуналар, ўқитишнинг энг сара воситалари асосида таълим-тарбия олаётган ўқувчи-талабаларнинг бугунги ютуқлари, илм-фан оламида эришаётган яхши натижалари, ҳаётларидаги маънавий юксалишлар ва жисмоний баркамоллик, спортнинг муайян турлари бўйича қозонаётган зафарлари барчамизни қизиқтирса керак. Мазкур мақолада бугунги ёшларимизни ҳар томонлама баркамолликка чорловчи муҳим жиҳатлардан бири — ўқувчи маданияти, унинг бугунги кун талабига қандай жавоб бераётганлиги ҳақида сўз юритилади.



Аввало "Маданият" сўзининг маъносига қисқача тўхталиб ўтсак. 2001 йилда нашрдан чиққан, "Hozirgi o`zbek tili faol so`zlarining izohli lug`ati"да бу сўзга уч хил вариантда изоҳ берилган:

1. Жамиятнинг турли йўналишларида: ишлаб чиқаришда, ижтимоий, маданий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар мажмуи.

2. Бирор соҳада, йўналишда ривожланганлик.

3. Тарбиялилик, маърифат, одоб-ахлоқ борасида етуклик.

Аслида "Маданият" тушунчасини ҳар ким ўзича тушунади, ҳис қилади ва унга амал қилади. Талабалик бахтига муяссар бўлган ёш йигит-қизлар буни қандай тушунишларини билиш мақсадида пойтахтимизнинг талабалар шаҳарчасида жойлашган Тошкент маданият техникумига ташриф буюрдик. Мазкур илм даргоҳини танлашимиз бежиз эмас, зеро бу ернинг талабалари айни маданият ўчоғининг қозонида қайнаётган ёшлардир.

Эрта тонгдан бошлаган биринчи ишимиз талаба-ёшларнинг дарсга келиш ҳолатини кузатишдан бошланди. Бирибиридан хушрўй, чиройли кийинган, хушчақчақ кайфиятда илм маскани томон шошилаётган йигит-қизларнинг ўқитувчиларига, ҳаттоки кўчадаги нотаниш одамларга ҳам салом бериб ўтишларини кўриб, "бу ерда чиндан ҳам "маданият" тушунчаси юксак қадрланиб, у баланд парвозларга кўтарилар экан", деб ўйладик. Аммо, ёшларнинг аксарияти (айниқса, ўғил болалар) бугунги кун талабасининг замонавий кўринишига хос бўлмаган кийим (жинси шим, футболка) кийганликлари, бежиримгина бўйинбоғни чала таққан, иккитадан 12 варақли дафтарни тўрт буклаб, орасига битта ручкани қистириб олган ҳолда дарсга келаётганликларини кўришимиз биланоқ фикримиз ўзгарди. Бу ёшлар таълим муассасаси ўқувчи-талабаларига қўйиладиган талабларни билишмайдими ёки ҳақиқатдан ҳам уларнинг ўқувчи либоси, ўқув қуроллари учун зарур бўлган сумка ёки портфель олишга қурблари етмайдими?.. Дарсга шошилаётган ёшлар орасида целофандан ясалган ихчам "пакет"лардан фойдаланганлари ҳам бор. Бу ҳам яхши, зеро бундай целофан "пакет"лар китоб-дафтарларнинг озодалигини сақлашга бирмунча таъсир этади, албатта. Лекин, бугун бутун жаҳонга кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий моделимизни кўз-кўз қилаётган ушбу даврда замонавий академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи ўқувчи-талабасининг дарсга одмигина "пакет"чалар билан келиши кишини таажжубга солиши табиийдир.

Таълим масканида дарсга чорловчи қўнғироқнинг чалинганига анча вақт ўтган бўлсаямки, ўқув биноси атрофида 5-6 нафар талабани учратдик. Улардан дарсга нима сабабдан кирмаганликларини сўрасак, жисмоний тарбия дарсида махсус спорт формаси бўлмаса, ўқитувчи дарсга қўймаслигини айтишди. Спорт кийимисиз келганларнинг айримлари таълим муассасаси ён-атрофини тозалаш вазифасини бажаришар экан. Бош ўқув биносининг орқа томонида жойлашган 1- ва 2-ётоқхоналардаги вужудга келган ачинарли аҳвол ҳам бизни таажжубга солди. Ётоқхонанинг тенг ярми дарс ўтиш учун мослаштирилган ўқув хоналаридан иборат экан. Бу ерда кимлардир дарс ўтишмоқда, кимлардир (бу ерда таҳсил олаётганларнинг аксарияти бўлғуси санъаткор эмасми!) балконда рубоб чалиб, ашула айтишмоқда, кимлардир эса...

"1-Ўқувчилар уйи" деб ёзилган бинога кириб, у ерни ҳам бир қадар кўздан кечириб чиқдик. Дарс маҳали ичкарига кириб-чиқаётган талабаларнинг кўплигини кўриб, бу даргоҳ ҳам ётоқхона, ҳам ўқув биноси эканлиги учун шундай бўлса керак, деб ўйладик. Қизиғи шундаки, биринчи қаватнинг ним қоронғу коридорида талаба йигит билан қизнинг бемалол қучоқлашиб, ҳатто ўпишиб кетаётганлигини кўриб, бу ер махсус қоронғилаштирилиб қўйилганмикан, деган фикрга бордик. Яхшиям улар кўчада, одамлар орасида бундай қиликларини қилишмайди, ахир улар "Маданият"да (!) ўқишади-да. Ўша кунги ҳолат бўйича биринчи қаватда коридоридаги 13 та электр ёриткичининг 2 таси тўлиқ, 5 тасининг ярми ёниқ турган эди. 6 таси эса мутлақо ёнгани йўқ. Бу эса девордаги турли ёзувларни унча-мунча одам ўқий олмаслиги учун қулай экан. Ушбу ранг-баранг ёзувлар билан танишар экансиз, уларнинг нафақат рассомлик йўналишида, балки бошқа йўналишларда ўқийдиган "ижодкор" талабалар томонидан ҳам битилганлигига амин бўласиз. Зимдан эътибор бериб ўқисангиз, "маданиятли" талабалар ҳаётида рўй берган муҳим, унутилмас, тарихий саналардан воқиф бўласиз: "Ёқуб+Арзигул=Севги. 2001 й. 22.07", "Гулноза+Феруза=Дўст", "Самарқанд", "Паркент", "Комил",

Reyd

"Зуҳрабону", "Хуснора", "Хатирчи", "Гўзал" ва ҳоказолар... Айрим қўпол сўзлар шундай мослаштирилиб битилганки, беихтиёр бу ерда "шоир"ликнинг юксак маҳоратидан ҳам дарс ўтилармикин, деган шубҳага борасиз. Баъзи ўқув хоналарида дарсларнинг бақир-чақир ҳолатда ўтилишини кузатиб, бу ерда ўқитувчи бўлмаса керак, деб ўйладик. Кайфиятимиз тушиб, коридордан ташқарига чиқар эканмиз, иккинчи бир ўқув хонасида бир талабанинг "ҳуқуқий маданият — бу ... ", яна бошқасининг "ҳуқуқий таълим — бу ... " дея пала-партиш, тенгдошлари ўртасида сабри чидамай, навбатсиз жавоб бераётган овозлари эшитилар эди...

Эрталабки ҳолатни кузата туриб, масалага ойдинлик киритиш мақсадида ушбу таълим муассасаси раҳбари Илҳом Деҳқоновга учрашдик. Бош ўқув биноси пештоқига "Тошкент Маданият техникуми" дея ёзилган ёзувни кўриб, директорга:

— Бу даргоҳ қандай номланади: техникумми ёки коллежми? — деган саволни бердик.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 253-қарорига мувофиқ, техникумимизга касб-ҳунар коллежи мақоми берилган. Аммо, бизда 80 фоиз дарс жараёни касб-ҳунар коллежлари учун тузилган ўқув режа ва дастурлари асосида олиб борилиши ҳамда коллеж тизимига тўлиқ ўтилмаганлиги сабабли, илм даргоҳимиз ҳалиҳануз техникум деб юритилмоқда, — деди директор.

Илм маскани раҳбаридан айрим дарсларни кузатишда ҳамроҳлик қилиш мақсадида маъмуриятдан бирон-бир вакилни қўшиб беришларини илтимос қилдик. Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Наргиза Мирзаҳмедова билан ўқув хоналарини кузатишга отландик. "24-хона. 1-синф (!) гуруҳ раҳбари Мирҳамедова" деб ёзиб қўйилган хонага кирар эканмиз, 3-4 нафар талабанинг " ... Агар ишқимни рад этсанг, қайларга борай, Лайло" дея ҳиргойи қилишаётганининг гувоҳи бўлдик. Аудиторияда бизни 1-курс фолкьлор ансамбли гуруҳи талабалари салом бериб, кутиб олишди. Бу ерда информатика фани ўтилаётган экан. Даво матни билиш мақсадида гуруҳ журналини сўрасак, у ўқитувчида эмас экан. Ҳайтовур даво матни билдик. 3 нафар талаба келмаган, улардан 2 нафари сабабли экан, дарсда 21 нафар талаба бор. Юқорида қайд этиб ўтган мақсадимиз бўйича қуйидагилар аниқланди: талабаларнинг 8 нафарида сумка, 4 нафар ўғил болада целофан пакет бор, қолганларида эса 2 та дафтардан бўлак ҳеч нарса йўқ. Бир талабадан Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳиясини айтиб беришини сўрадик. Чиройли қилиб айтиб берди. Матни ва мусиқа муаллифини ҳам тўғри айтди. Лекин, қачон қабул қилинган, деган саволга 1994 йил қабул қилинган, деб жавоб берди. Талабани бошқа саволларга тутмасимизданоқ, ўқитувчиси таълим муассасасида компьютер йўқлигидан нолиди.

Наргиза опа билан бирга бошқа аудиторияга йўл олдик. Бу ердаги талабалар бошқаларга нисбатан намунали эканлиги сезилди. Уларга тажрибали устоз Азиз Дадаев "Саҳна нутқи" фанидан сабоқ бераётган экан. Ўтилаётган мавзу юзасидан бир синглимиз бийрон-бийрон сўзлаб берди.

***Ушбу мақолада кўрсатилган далиллар кимнидир таажжубга солиши ёки аксинча унга мутлақо таъсир қилмаслиги ҳам мумкин. Демоқчимизки, балки бошқа йўналишлардаги айрим таълим муассасаларида аҳвол бундан-да кескинроқдир. Бундай пайтда ҳар ким ўз ишини билиб бажарса, бироз бўлса-да зиммасидаги масъулият юкини қалбдан ҳис қилса, фарзандларимиз таълим-тарбияси ҳам шунга яраша бўлишини таъкидлаган бўлар эдик. Юқорида айтиб ўтганимиздек, биз Тошкент маданият техникумини бежизга танламадик. Сабаби, ушбу маданият техникуми каби мамлакатимизнинг турли санъат ва маданият йўналишларидаги касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия олаётган ёшлар бугун барчага ҳар томонлама ўрнак бўлишлари керак, албатта. Зеро, бугун республикамиз туман ва шаҳар марказларида янгидан академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг қад ростлаб, ён-атрофга чирой бағишлаб туриши мазкур таълим муассасаларининг нафақат муҳташам, замонавий бинолари салобати билан чекланиб қолиши, балки бундай масканлар маҳаллий аҳоли, уларнинг фарзандлари камолиёўлида ташкил этилажак маънавий-маърифий тадбирлар мажмуи билан ҳам ажралиб туриши керак.*

Ушбу мақолани ёзишдан ҳам бош мақсадимиз — кимнидир ёмон отлиққа чиқариш эмас. Фарзандлар таълим-тарбиясига масъул кишилар ва эртанги кун мутахассислари бўлмиш талаба-ёшларнинг бироз бўлса-да ҳаётга жиддийроқ, эътиборлироқ қарашлари лозимлигини уқтириб ўтмоқчимиз, холос. Зеро, пойтахтимиздаги маданият техникумида дуч келганимиз — баъзи таажжубланарли ҳолатлар ҳеч бир таълим муассасасида бўлишини хоҳламаймиз. Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида юксак ўзгаришлар, туб ислоҳотлар рўй бераётган бир пайтда ана шундай салбий кўринишларнинг ўрин олишига асло йўл қўймаслигимиз даркор.

Ғофур ЖАБИЕВ,
"Маърифат" мухбири

Газетамизда август ойи охирида "Фильмларда ахлоқ тарғиботи", "Миллий ғурур ва либос", "Ўқув формалари керак(ми?)" мақолалари эълон қилинганди. Ўтган вақт мобайнида муштарийлардан бир талай мактублар олдик.

Мактубларнинг барчасида юқоридаги мақолаларга муштарий муносабати акс этган. Аксарият кишилар мақолалар сабаб, мавзу доирасида узил-кесил таклифларни ҳам ўртага ташлашган.

УНУТИЛГАН МЕЪЁР

Мен Абдулҳамид Абдуаҳад ўғлининг "Маърифат" газетасида эълон қилинган "Миллий ғурур ва либос", "Ўқув формалари керак(ми?)", "Фильмларда ахлоқ тарғиботи" каби мақолаларини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим.

Ҳеч кимга сир эмаски, мамлакатимизда турли хил либослар кўпайиб бормоқда. Ҳар бир йигит-қиз ўзига ёққан либосни кийишга ҳақли, албатта. Аммо миллий маънавиятимизга жиндай эътибор бериш керак. Эркак эркакдек, аёл аёлдек кийиниши лозим.

Азиз аёлларимиз ва гўзал қизларимиз мени тўғри тушунишсину янги русум экан, мода экан деб турли латтапутталар орқасидан қувлаб юриш эмас, балки ўзимизга ярашадиган либосларни, либос бўлганда ҳам миллий либосларни кийсалар уларга жуда ярашар эдида.

Тиббиёт нуқтаи назаридан қараганда ҳам ўта тор шим, мини юбка кияувчи қизларда ички аъзоларнинг шамоллаши ва жинсий хасталиклар кўпроқ учрайди. Қизлар бўлғуси оналардир. Шунинг учун ҳам эртанги тақдирларига бефарқ қарамасликлари лозим.

Асрлар мобайнида шаклланган ўзбек маънавий мероси қандайдир бир кун ёки бир-икки йил ичида қашшоқлашиб қолиши мумкин эмас, шахсан мен бунга ишонмайман. Нене буюк момолар авлодлари бўлган ўзбек аёллари бу фикрларга ўз жавобларини берадилар, албатта.

Ҳақиқатдан ҳам бугун ўқув формалари эътиборга муҳтож, чунки ҳамма ўқув юртларида бирдек формалар кийилмайди. Энди ўйлаб кўринг, формасизлик қандай оқибатларга олиб келади. "Ўқув формалари керак(ми?)" мақоласида муаллиф ўз фикр-мулоҳазасини эмас, балки педагог дўсти сўзларини ҳикоя қилади. Педагог гапирган гаплар эса, беҳуда гаплар эмас.

Мақолаларда эътибор қаратилиши лозим бўлган муаммо кўтарилган. Галдаги масала эса, унга эътибор масаласи.

Одил ЗИЁДУЛЛАЕВ,
ЎзМУ магистранти

ЖОНКУЯР ТАДБИРКОРЛАР ҚАНИ?

Мактаб ўқувчиси учун мактаб формаси нафақат зарур, балки шарт. Кўзни қамаштирадиган, турли хил рангдаги тор–танқис, этаги ер супурса–да, икки ёни очиқ, таъбингизни тирриқ қиладиган кийимлардан кўра мактаб формаси минг марта афзал деб биламан. Катта фарзандларим аллақачон мактабни битиришган, ҳозирги пайтда 2 ўғлим мактаб ўқувчиси. Мен ўзим мактабда ўқиган вақтда ёзда кўк кўйлак, оқ фартук, қишда жигарранг кўйлак, қора фартук кийиб юрардик.

Ўқувчининг мактаб формасида алоҳида ажралиб турганига нима етсин. Юртимиз мустақил бўлганидан буён қад кўтараётган осмонўпар бинолар, ям–яшил хиёбонлар гўзаллигидан кўзингиз қувнайди. Юртимизда тадбиркорлик кенг қулоч ёймоқда, турли хил хусусий корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Наҳотки шулар орасидан мактаб формаси учун бош қотирадиган бирорта фидойи тадбиркор топилмаса. Ахир мактаб формаси жорий қилинса ҳамда у арзон, кўпчиликка манзур бўладиган, сифатли бўлса, ота-оналар ҳам " фарзандимга қандай кийим олиб берсам экан", деб бошлари қотиб овора бўлмасди.

Гулчехра КАРИМОВА,
Чилонзор тумани, Оқтепа маҳалласи

Aks-sado

ЎҚИТУВЧИГА ҲАМ ФОРМА КЕРАККА ЎХШАЙДИ

Ҳар бир миллат ўз маданияти, байроғи ва ўз ўрнида миллий либосига ҳам эга. Давлат рамзлари, тил ва адабиётимизни, саъонатимизни қанчалар қадрласак, миллий либосларимизни ҳам шунчалар кўзга суртиб киймоғимиз керак.

"Маърифат" газетасида эълон қилинган "Ўқув формалари керак(ми?)" номли мақолани ўқиб чуқур ўйга толдим. Дарҳақиқат анча долзарб мавзу кўтарилган эди. Ўзимча мушоҳада қилар эканман, таълим жараёнининг энг нозик жиҳатини унутиб қўяётганимизга амин бўлдим. Ўқув формаларининг нечоғлик нозик жиҳат эканлиги мақолада ҳаётий мисоллар билан исботлаб берилган. Озгина ўйлаб кўрилса, бугунги кун ўқувчисига ўқув формалари керакка ўхшайди. Бу ўқувчиларни табақаланишдан асрайди.

Аммо бир муаммо бор, чидамли, талабга жавоб берадиган ўқув формалари йўқ ҳисоби. Қанийди ўқувчилар костюм-шимлари махсус ёрлиқлар билан чиқарилса.

Бундан ташқари форма фақат ўқувчига эмас, балки ўқитувчиларга ҳам керакка ўхшайди. Шундан келиб чиқиб, бир таклифни ўртага ташламоқчиман. ***Ўқитувчилар ҳам бошқа касб эгалари мисоли ўз формасига эга бўлса.***

Раҳимахон ЖЎРАЕВА,
Мингбулоқ туманидаги 13–мактаб ўқитувчиси

МУАЛЛИМ ИБРАТ БЎЛСА...

"Маърифат" газетасида чоп этилган "Миллий ғурур ва либос" ҳамда "Ўқув формалари керак(ми)?" мақолалари ўзимни кўпдан буён ўйлантириб келаётган айрим муаммоларни ҳамкасбларим билан ҳал этишга ундади. Мақола муаллифи "Атлас ёки миллий услубда тикилган кўйлак кийган қизларни-ку бутун шаҳардан топиш амримаҳол" деб ёзишида жон бор. Қиз бола онасидан андоза олади, 30-40 ёшдаги аёлларни бир кузатинг, миллий услубда кўйлак кийгани қанча? Уни ҳам қўяверинг, жинси шиму тор енгсиз кўйлак, кофта кийган қанча? Сочини калта қирқтириб, пардоз-андозни меъёридан оширган, фақат келинлик пайтидагина дўппи кийган онанинг қизи сочларини қирққокил қилиб ўрмайди-ку? Истаймизми-йўқми, ёшлар ота-онаси каби кийинади. Ёки аксинча, "замонавий" аёл (замонавийлик кийимда деб ўйловчилар) боғча ёшиданоқ ўз таъбири билан айтганда боласини "қўғирчоқдек" кийинтириб қўяди. Боғча ёшидаги қизалоқларда жинси шим, турли суратлар акс этган футболкаларни кўрасиз. Ахир, уни бола танламайди, ота-она харид қилади ва фарзанди эгнига илади-да.

Мақола муаллифи бугунги кун ўқувчисига ўқув формаси керак, деб хулоса чиқаради. Тўғри хулоса, аммо талабга жавоб берадиган бежирим ўқув формалари қаерда сотиляпти?

Аввалгидек жигарранг кўйлак ва оқ, қора фартуклар, ўғил болалар учун махсус ёрлиқли костюм-шимлар сотилмаса, ота-оналар ҳам бозордан ўзларига маъқул нархдаги кийимни сотиб оладилар-да.

Бу эса ўқувчилар орасида табақаланишни юзага келтираётгани айни ҳақиқат. Муаммонинг яна бир томони бор. Пойтахт мактабларидаги муаллимларни кўп кузатаман. Айрим муаллималар худди эркаклардек костюм-шим киядилар. Айримлар эса енгсиз кўйлак, мини юбка, айримлари икки ёки ўнг томони тиззадан юқоригача очиқ юбкалар кийиб юришади. Вилоятдаги айрим мактаб муаллимлари форма кияётган вақтда пойтахтдаги бу ҳол кишини бироз ранжитади. Сабаби ўқувчи ўқитувчисидан ҳам ибрат олади-да. Тасаввур қилинг, мактаб илмий бўлим мудири, етакчи ёки маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг ўзи аёл бўлсаю шим кийиб юрса ва ўқувчи қизларга мактабда шим кийиб юришни таъқиқласа, ачинарли, кулгили ҳол эмасми? Демоқчиманки, муаллим фақат, насиҳат, буйруқ қилавермай, шахсан ўзи ибрат бўлса бу ўқувчилар учун фойдали ва таъсирчан бўлади. Ёзувчи Одил Ёқубов билан суҳбатлашганимизда бизнинг пайтдаги энг чиройли, озода кийинадиган — ўқитувчилар бўларди. Устозларимнинг кийинишига ҳавасим келарди, дегандилар.

Ҳақ гап, ўқитувчининг оппоқ кўйлак, галстуги, қора костюм-шими ҳар қандай ўқувчи кайфиятини кўтаради. Устозидек кийинишга ҳаракат қилади. Устозлар қимматбаҳо кийим, мунчоқлар билан безатилган ранг-баранг кўйлак, кофталар билан эмас, озода, ярашиқли бичимдаги кийимлари билан ўқувчи кўзини қувнатсалар, ҳам ўрнак бўлсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Демак, ибрат кўрсатиш ўқитувчидан, унга эргашиш ўқувчидандир.

Бу ўринда аёл ўқитувчиларнинг тақинчоқларга муносабати ҳақида ҳам бироз тўхталмоқчиман. Бармоқлардаги қўшақўша узуклар, тилла занжирлар, билакузуклар, қулоқдаги қўшалоқ зираклар мактаб муаллимасига асло ярашмайди. Баъзан бундай меъёридан ошишлар балоғат ёшидаги қизларимизга салбий таъсир қилишини унутиб қўймайлик.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Юнусобод туманидаги 274-мактаб муаллимаси

МОЗИЙ МАЪЖАВИЙ ТАЛАНЧЛАР

Teran tomirlar

Утмишга назар ташласак, буюк аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаларини кўрамиз. Дарҳақиқат, Муҳаммад Мусо Хоразмий "Китоб ул-жабр вал муқобила" номли илмий асар ёзиб, математика тарихида илк бор алгебра фанига асос солган. Исмоил Бухорийнинг "Жомиъ ас Саҳиҳ" асари ислом таълимотида Қуръони каримдан кейинги асосий манба ҳисобланади. Абу Наср Фаробий эса билим, фикран теранликда Шарқда Аристотелдан кейинги мутафаккир, "Муаллимус соний" номи билан шуҳрат топди. Ибн Синонинг "Ал қонун фит тиб" асари XII асрдаёқ лотинчага таржима қилиниб, Европада асосий қўлланма сифатида фойдаланилган. Абу Райҳон Беруний эса, Колумбдан беш аср илгари Американинг қаерда жойлашганини харитада аниқ кўрсата билган. Мирзо Улуғбек биринчи бўлиб, 1200 самовий жисмларнинг жойлашувини аниқлаб берган, фалакиёт харитасини тузган. XX асргача Европада Амур Темурнинг ҳарбий тактикаларидан кенг фойдаланилди. Алишер Навоийни эса ғарбликлар Шарқ қуёши деб атайдилар. Шунинг учун ҳам хориж олимлари Нур— Шарқдан дея, аждодларимизнинг дунё цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини тан олишади. Ўз навбатида биз ҳам уларга муносиб ворис сифатида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол тарбияламоғимиз лозим. Узбекистоннинг келажаги, равнақи фарзандларимиз тарбиясининг қандай бўлиши ва шаклланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мустақил жамият эътиқодли, дили пок комил авлодлар томонидан қурилади. Таълим билан тарбия бамисоли эт билан тирноққа ўхшайди. Ҳар бир инсон олган билими билан биргаликда тарбияли ҳам бўлиши керак.

Юнон, Хитой ва Эрон тарихчилари орқали етиб келган жасур саркардаларимиз ҳақидаги ривоятларни ёш авлодга тушунарли қилиб етказиш ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг асосидир. Ватан қадрини Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Нажмиддин Кубро жасоратлари орқали тушунтириб берсак, улар руҳида ғурур, шижоат, ватанпарварлик туйғулари барқ уриши, шубҳасиз.

Қадимий маънавий ёдгорликларимиздан бири "Авесто"дир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, бугун биз яшаб турган тупроқда буюк давлат, буюк маънавият бўлганлигидан гувоҳлик берувчи бу бебаҳо тарихий ҳужжат асрлар давомида авлод-аждодларимизга маънавий-руҳий таянч, чексиз куч-қувват манбаи бўлиб келган. "Авесто"да табиатнинг тўрт унсури бўлган ер, сув, ҳаво ва олов алоҳида эъзозланади. Табиатни муҳофаза қилиш, ҳавони мусаффо сақлаш, тупроқнинг унумдорлигини ошириш зарурлиги таъкидланади. Ушбу фикрларни айнан ҳозирда долзарб бўлиб турган экологик муаммолар билан боғлаган ҳолда ўқувчиларга тарбиявий соатлар, дарслар жараёнида тушунтириб борсак, уларнинг табиатга бўлган меҳри, муносабати янада мустаҳкамлана боради.

Маънавият — бу инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, ички оламини бойитадиган, унинг иймон, иродасини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли, ботиний куч. Шунинг учун ҳам ўзининг мустақил фикрига эга баркамол шахсни шакллантириш муҳим вазифалардан биридир. Қачонки, киши ўзлигини англамаса, ўз виждони билан юзма-юз турмаса, қўшниси, маҳалласи, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини ҳис этмаса, бундай киши Инсон номли шарафга лойиқ эмасдир. Ўқувчиларнинг тафаккури, фикрлаш қирраларини аниқ белгилаш билан бирга, уларга маънавий озуқа бўла оладиган манбаларни ва янада янги-янги воситаларни топиб, амалиётга татбиқ этиш ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифасидир.

Б. НОСИРОВА,
Қарши педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг олий тоифали ўқитувчиси

ҲАЗРАТИ БАШИР КАРОМАТЛАРИ

Muqaddas qadamjolar

Она юртимизда гўзал, сўлим маскан ва муборак қадамжолар шунчалар кўпки, улар билан қанча фахр этиб, ғурурланса оз.

Яқинда Китоб туманидаги Ҳазрати Башир зиёратгоҳида бўлдик. Бир томони Ургут, иккинчи томони Ҳисор тоғларига туташиб кетган. Ҳазрати Башир қишлоғи Китоб шаҳридан 25 чақиримча юқори, кунчиқарда жойлашган. Қишлоқ қадимий тарихи, гўзал табиати, меҳмондўст халқи билан олдиндан машҳур.

Биз юқорида тилга олган зиёратгоҳ ана шу гўзал қишлоқда жойлашган. Бу ердан қишин-ёзин зиёратчиларнинг оёғи узилмайди.

Ҳазрати Башир зиёратгоҳига кириб келишингиз билан сизни бу ердаги сўлим табиат, қалин дарахтзорлар бағрига чорлайди. Дастлаб улкан чинорлар тагидан оқиб чиқаётган муздек, шишадек тиниқ сувга юз-қўлларингизни ювиб, дарахтлар остига қўйилган чорпояларда ўтириб бир пас ҳордиқ чиқарасиз. Атрофдаги сокинлик, соф ҳаво кишини ҳайратга солади. Узоқ йўл босиб келган бўлсангиз, чарчоғингиз бир зумда тарқалади, кетади.

Шундан сўнг зиёратни Ҳазратнинг даставвал истиқомат қилган ертўлаларидан бошладик. Беш асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, ертўла яхши сақланган. Каттагина саҳнли ертўлада бирорта устун қўйилмаган. Неча зилзилаю, сув тошқинларига бардош берган ертўла ҳали ҳам ўз ҳолича турибди. Шундан сўнг қуйма зиналарни бир-бир босиб, тепага ўрлаймиз. Анчагина масофани босиб, пистазорлар бағрида баланд тепаликда жойлашган Ҳазрати Баширнинг хилхоналарига етиб келдик. Қашқадарё вилояти ҳокимининг ташаббуси билан шарқона услубда қурилган мақбара ҳар бир зиёратчининг эътиборини тортади. Ён-атроф обод, тасмадек тортилган йўл узоқдан сомон йўлини эслатади. Шу билан бирга у мустаҳкам, бехатар. Оёқ кийимингизни ечиб хилхонага кирасиз. Хилхона ўртасида Ҳазратнинг қабрлари. Қабрнинг атрофи мармар тошлар билан безалган бўлиб, унда арабий ҳарфларда Қуръони Карим оятлари иншо этилган. Мақбара атрофида айлана шаклидаги айвон қурилган бўлиб, ундан ҳув пастдаги қуюқ дарахтзорлар билан қопланиб, бир-бирига туташиб кетган қишлоқлар гўзал манзара касб этади. Ўнг томонда эса қуёш нуридан ялтираб, Оқсув дарёси оқмоқда.

Ҳа-я, тафсилотларга берилиб кетиб, Ҳазрати Башир бобонинг тарихлари, кароматлари ҳақида айтишни унутаёзибмиз. Қуйида у киши ҳақидаги тарихий манбадан иқтибос келтирамиз: "Ҳазрати Баширнинг асл исмлари Султон Саид Аҳмад бўлиб, оталарининг исми Хожа Ҳасан, оналарининг исми Биби Малакот бўлган. Оталари 90 ёшда, оналари 80 ёшда бўлганларида Султон Саид Аҳмад Саид Неъматуллоҳ ҳазратларининг дуолари билан дунёга келган эканлар. Башир деб айтилишларининг сабаби — оналарининг сутлари бўлмагач, сутсиз катта бўлган деганидур.

Ҳазрати Баширни ёшликларида ҳамма девона деб айтар экан. Лекин ақли расо, ҳалол, одамларга, табиатга меҳр-шафқатда бўлган. У киши кароматгўй, узоқдагилар билан руҳий мулоқотда бўла оладиган, одамларнинг қиёфасига қараб руҳий дунёсини билиб оладиган инсон бўлган экан. Ҳикоя қилишларича, Ҳазрати Бузруквор каддасаллоҳу сирриҳу, шу қишлоқдаги бой одамнинг уйларига кирсалар, уйда бир неча хумлар қатор турган экан. Ҳаммасининг ичи тўла шароб экан. Ул зот ердан бир кичкина тошни олиб шароб турган хумларга қараб отдилар. Аллоҳнинг қудрати ва Ҳазрати Шайхнинг кароматлари билан тош хумларнинг барчасини тешиб ўтди. Шаробнинг ҳаммаси ерга тўкилди. Ва уйнинг эгаси бу ишни билмасдан ҳайрон бўлди. Бу Ҳазрати Бузрукворнинг биринчи кароматлари эрди".

Бу каби кароматлар Ҳазрати Баширнинг замондош шогирдлари томонидан ёзиб қолдирилган. "Ҳазрати Башир Маноқиби" номли китобда кўплаб келтирилган.

Бетакрор табиат, сиру синоатга бой Ҳазрати Башир зиёратгоҳи ул зот ҳақидаги бир-биридан қизиқарли ривоятлар, ҳикоятлар таассуротлари узоқ вақтлар хотирамизда муҳрланиб қолиши, табиий.

Она-табиат, ундаги ажойиб осори атиқаларни авайлаб-асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бунга ҳар биримиз онгли равишда амал қилсаккина, биздан кейинги авлод ана шу муқаддас гўшалардан баҳраманд бўлади. Доноларимиз айтганларидек, инсондан фақат яхши иш ва амалгина қолади.

Мадина ҲАМДАМОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети II босқич талабаси

Safar taassurotlari

ЯНА ҲИНД СОРИҒА

Қамчибек КЕНЖА

Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция Темурийлар, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг ҳукмдор, ижодкор авлодлари қолдирган бой илмий, тарихий, бадиий меросларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида қилган сафарлари мобайнида Осиё ва Африка қитъаларидаги кўплаб мамлакат ва юртларни кезиб чиқди.

Экспедиция аъзоси, шоир ва адиб, публицист Қамчибек Кенжанинг "Ҳинд сориға" деб номланган китобида ана шундай сафарлардан бири ҳақида мароқли ҳикоя қилинган эди. "Яна Ҳинд сориға" асари ўша сафарноманинг мантиқий давоми бўлиб, унда Қирғизистон, Хитой (Қашқар), Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Эрон ва Туркманистон мамлакатларининг ўзига хос табиати, одамларининг яшаш тарзлари, турфа одатлари, сафар давомидаги машаққатлар ва бошқа саргузаштлар ўз ифодасини топган. Айни вақтда бобурийлар ҳаёти ва жанглари билан боғлиқ шаҳар ҳамда кентларнинг тарихи ва ҳозири, бобурий подшоҳлар яратган мўъжизавий обидалар, боғлар насру назмда ҳайрат ва ҳаяжон билан тасвирланади.

Қуйида эътиборингизга ана шу сафарномадан парча ҳавола этилмоқда.

ЛАЪЛБОҒ. БОБУРИЙЛАР МОЗИЙГОҲИ

Ниҳоят, манзилга етдик. Дарвоза ёнидаги ойнаванд лавҳа ва ичкаридаги темир тахтакачларга битилган маълумотларда айтилишича, "Лаъл боғ форт музейи" деб аталувчи бу тарихий ёдгорлик 1678 йили император Аврангзеб ҳазратларининг ўғли Аъзамшоҳ томонидан бошланган, лекин битмай тўхтаб қолган. Бенгалиянинг ўша пайтдаги ҳокими Шойистахон Субадор қурилишни давом этказиб, 1688 йили ниҳоясига етказган.

Қалъа-боққа шимол томондан кириларди. Унинг чорси шаклидаги ҳудуди тўрт тарафдан девор билан ўралган, дарвозадан тўғри кетган йўлак қалъани гўё иккига ажратиб турарди. Дабдурустдан кирган одам у ербу ерида эски бинолар қолиб кетган боғ-хиёбон экан, деб ўйлаши мумкин эди. Хиёбонда, йўлаклар бўйида бўйи бир-бир ярим метрча келадиган, тўп бўлиб ўсадиган қизил, оқ гулларнинг айни барқ уриб очилган чоғи эди. Қизил гулнинг тупи бир хил, гулининг тузилиши икки хил эди — бирининг гулбарглари атиргулникига ўхшайди: юмшоқ, фақат узун-узун. Иккинчиси майда қалампирмунчоқсимон — ғужум-ғужум, умумий ҳажми ўртача атиргулнинг гулича бор. Гулларнинг номларини акгура, флавер, майшунда дейишади.

Сафардаги мен учун энг қийин иш — бизга нотаниш, ўша жойларга, ўша иқлимга хос бўлган гуллар, дарахтлар, ҳар турли ўсимликлар, парранда ва бошқа наботот унсурлари, табиат мўъжизаларининг маҳаллий халқ тилидаги номини аниқлаш эди. Таржимонимизнинг оғзига қараб турадиган бир мен эмас, бошқалар ҳам нимани-дир сўраб билишни мўлжаллаб юришади. Биз қизиққан нарсаларни таржимон ҳам маҳаллий одамлардан, ўткинчи, йўловчилардан сўраб билиб бериши керак. Биздан ташқари таржимоннинг ҳам ўзи қизиқадиган соҳалари, мавзулари бор. Яхшики, профессоримиз камтар ва эринмайдиган одам. Бунинг устига Андижондаёқ Неъматиллога унинг қулоғини энг кўп қоқадиган мен бўлишлигимни таъкидлаб, шу борада ҳазил-ҳузул қилиб келишиб олганмиз. Хуллас, кези келиб қолди, профессорга миннатдорчилигимни шу ўринда изҳор қилиб қўя қолай: ушбу эсдаликларимнинг маълум қисми бевосита унинг ёрдамида, унинг шарофати билан қоғозга тушгандир.

Гулларнинг ораларида арчалар бўлиб, улар ҳам гуллар билан баробар қилиб текис қирқилган эди. Ямяшил, чим-чатир ажриқмайсаларни ҳафсала билан ўришмоқда эди.

Қалъа-хиёбон ҳудудининг қоқ ўртасида бир қаватли, пастакроқ мақбара бор. Унинг ички қисмида тўққизта мармар устун бор эди. Бу ерга Шойистахон Субадорнинг энг севимли қизи Биби Пари дафн этилган экан. Қабр ва мақбарага Бангладешнинг энг ноёб мармартошларидан ишлатилган, дейишди. Бинонинг орқа томонида ҳам уч-тўртта сағана тоши турибди, лекин тошлар остидаги қабрларнинг кимники эканлигини айтиб беришолмади.

Мақбарадан ўнг томонга кетган йўлак охирида (тахминан юз қадамча), ғарбий қўрғон девори орасида яна бир бино (масжид бўлган экан), жанубда, ғарбий бурчакда қандайдир эски иншоотларнинг қолдиқлари, кун чиқиш тарафда эса ҳаммом, икки қаватли, лекин сиртдан кўримсиз яна бир бино бор эди.

Қалъанинг шарқи-жанубий бурчагида минорали дарвоза кўзга ташланади. (Қалъага аввал ўша томондан кирилган экан).

Умуман олганда эса, қалъа катта эмас, мўъжазгина қурилган экан (у маҳалларда бу жойлар кичикроқ вилоят бўлган бўлса керак). Бинолар, деворларда безак, нақшлар ҳам кам, борлари ҳам ҳашамдор, маҳобатли эмас эди. Биноларга асосан қизил ғишт ишлатилган, бироқ, аксариятининг ранги ўчиб, қурум босган, ола қорайган эди. Шунинг учун қаровсиз, аҳамиятсиз қўҳна иморатларга ўхшаб кўринарди. Биз ҳам дарвозадан кирган пайтимизда "Э, шунча узоқ йўл юриб, шу эски жойларни кўргани келдикми", деб нописандлик билан қараган, бурунлар ҳам бироз жийрилган эди (бунинг учун кейин ўзимизни хўп койидик).

"Туркий усулда қурилган ҳаммом"нинг (айнан шундай ёзилган), ҳозирги сауналарга ўхшаб, ўртасида ҳовузи, алоҳида ечиниш хоналари бор эди.

Кун чиқишидаги икки қаватли бино музей экан. О, яна қандай музей, денг!.. Асл бобурийлар музейи!

Биринчи қаватдан кейинги бобурийлар даврида ишлатилган пичоқлар ва уларнинг ёғоч ғилофлари, чопқилар, маузерлар, темир қалпоқлар, қаттиқ, ингичка симдан майда занжирсимон қилиб тўқилган кийимлар, ўқ ўтмас темир нимча (совут)лар ўрин олган, иккинчи қаватдаги хоналарда осори-атиқа ашёлар янада бойроқ, янада бебаҳороқ эди: Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Носириддин Муҳаммад Ҳумоюн, Жалолиддин Муҳаммад Акбар, Шаҳобиддин Муҳаммад Жаҳонгир, Аврангзеб, Баҳодир шоҳ-1, Муҳаммад Фаррух Сияр, Аҳмад шоҳ, Азизуддин Муҳаммад Оламгир, Муҳаммад шоҳ, Исомиддин Муҳаммад шоҳ Олам, Муаззам шоҳ Олам Баҳодир, Муҳаммад Иброҳим шоҳ, Муизиддин Жаҳонгир шоҳ (исм-шарифлар музей ҳужжатларида қандай ёзилган бўлса, шундай олинди) ва бошқа бобурий ҳукмдорлар даврида танга пуллардан намуналар, Аврангзеб оламгир, Аъзам шоҳ суратлари, Акбар, шоҳ Олам фармонлари...

Юқоридаги рўйхат орасида ўқувчиларимизга унча маълум ва машҳур бўлмаган номлар ҳақида шуни айтиш керакки, уларнинг аксарияти бобурийлар салтанати инқирозга юз тутган даврларда ҳар томондан сиқув ва ҳужумлар ичида қолган Ҳиндистонга қисқа-қисқа муддатларда ҳукмронлик қилган подшо ва шаҳзодалардир. Бу пайтларда асосий жанглар, тож-тахт учун курашлар мамлакатнинг ҳозирги Калькутта, Бангладеш ҳудудидаги шарқий вилоятларига (Бенгалия) кўчган эди.

Музейдаги нодир ёдгорликлардан яна бири Аврангзебнинг иккинчи ўғли Аъзам шоҳга мана шу қалъани қуриш тўғрисида берган фармони битилган тош эди...

Мен ўтган сафар Аврангободда кўрганим — Иккинчи Тож Маҳал деб юритилувчи муҳташам обидани эсладим. Уни ҳам Аъзам шоҳ онаси хотирасига барпо қилган эди. Асли подшозодалар ичида волидаи муҳтарамасига бу даражада мурувват кўрсатгани кам учрайди. Шунга қарамай, Аъзам шоҳ ҳаётда унча омади чопмаган шаҳзодалардан. Укаси Ком Бахш билан бирга ҳозирги Бангладеш ҳудудига яқин Декан вилоятида ҳоким эди. Отасининг ўлганини эшитиб, тахт учун курашиш мақсадида Аграга лашкар тортиб боради. Лекин бу пайтда Аграни Аъзам шоҳнинг укаси Шаҳзода Муаззам (Шоҳ Олам) эгаллаб бўлган эди. Ака-ука ўртасидаги омонсиз жангда Аъзам шоҳ ва унинг икки ўғли ҳалок бўлишади. Тож-тахт ишқи ота-ўғил, ака-ука ўртасидаги оқибат, қондошлик ришталарини қирчиб-чийратувчи бир кемирувчидир, инчунун бу ҳавасли ишқ эмас, ғаразли ишқдир. Ғаразли ишқ аввало ўзини қуйдиргусидир... Одамзот ўз пушти камаридан бўлган зурёдидан не-не ёмонликлар кўрса-да, ўша падаркуш ота жонига қасд айласа-да, яна фарзанд, деяверади... Бу ҳолат ҳам ҳаётнинг, тирикликнинг сирли қонуниятларидан бири экан-да... Хайриятки, юқоридагидай ишқ васвасалари ва аянчли ҳодисалар ўтмишда, подшо ва подшозодалар орасида рўй берар эди ва бунинг асосий сабабларидан бири кўп хотинлилик, ўгайлик, ҳасад эди...

Музей биқинида, ярим қўрғон қилинган жойда бир туфакандоз турарди. Унинг ёнига "Мўғуллар (яъни бобурийлар - Қ.К.) замбараги" деб ёзилган эди.

Қалъа "Бангладешда мусулмонлар ва ҳиндлар ҳамкорлигида қурилган биринчи тарихий обида" сифатида эътироф этилган эди эскартиш-лавҳада.

Қалъадаги масжид ва дарвозалар сурати Бангладеш пулига туширилган экан.

Ҳиндистон ва Покистон шаҳарларидаги кўп мозийгоҳларда, хусусан Ҳайдарободдаги машҳур Солар Жанг, Лоҳурдаги миллий музейда бўлган эдик, лекин Шарқ оламининг олис бир четида фақат ва фақат бобурийлар ҳаёти, уларнинг подшолик фаолиятига оид ягона, махсус музейни кўрамиз, деб сира ўйламагандик. Мана шундай, бутун дунё мамлакатларидан келиб томоша қилиб, зиёрат айласа арзийдиган тарихий мозийгоҳ ҳақида 1972 йили нашр этилган ўзбек энциклопедиясида бир оғиз ҳам маълумот берилмаган. "Дакканинг қўҳна қисмида Лаъл Бағх қалъаси, унда Биби Пари мақбараси бор" деган хабар билан кифояланилган. Менимча, "Бобур" исмини атамаслик учун шундай йўл тутилган!

Алқисса, Лаълбоғдан кўп мамнун бўлиб чиқдик. Айниқса, Зокиржон ака ҳайрати-ҳаяжонининг чеки йўқ эди.

Байт:

Дакка чеккасида
Лаълбоғ кўрдим,
Лаълбоғ ичинда,
ҳарам, боғ кўрдим.
Бобурий аждодим
қадами етган
Шу олис ўлкада
дилим тоғ кўрдим.

Жони Аълам бизни шаҳарнинг шимолий томонига бошлади.

Жони (уни кўпроқ Жайн дейишаркан) киришимли, сергапгина экану Бангладешнинг тарихи ва тарихий жойларини унча яхши билмас эди. Масалан, "Дакканинг аввалги исми нима эди? Жаҳонгиробод деган шаҳар бўлганми?" деб сўрасак, "кечқурун отамдан сўраб билиб қўяман", деди. Лаълбоғдаги чиройли гуллар номини сўрасак, "хонаки гуллар-да, аниғини хотинимдан сўраб кўраман", дейди. "Дакка" сўзининг маъноси нима? Лоақал шуни айтарсан, десак, "жой номи-да", деб жавоб берувди, Неъматилло:

— Ўзинг ҳам бирон нарсани биласанми, отангдан сўра-чи, тарихдан неччи баҳога ўқувдинг экан? - деб ҳазиллашди.

Жайн самимий, беғараз йигит эди, мириқиб кулди. "Иш кўп, бунақа майда-чуйда нарсалар билан шуғулланишга қўл тегмайди", деди ўзини оқлаб.

Камол Ота Турк хиёбонидан ўтиб, "Тонгги ибодат майдони"га бордик. Мусулмонлар йиғилиб, намоз ўқиб, ибодат қилишиб турадиган кенг, яланг жой экан.

— Бу ерга бизни нимага олиб келдинг? - деб сўрадик.

— Ўзинглар тарихий, қизиқарли жойларни кўрсат дединглар-ку, — деди Жайн кифт қоқиб.

Қолаверса, ёшлар ўртасидаги "тезроқ" ялғанишга сабабчи бўлаётган миллий менталитетимиздан анча олис, турли хил порнографик нашрлар, видеотасвирлар ҳам ота-боболаримизнинг муқаддас деб аталган мактабларининг олдинги емирилиши десак муболаға бўлмайди.

Буюк мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил айтганларидек, агар меъмор дастлабки ғиштни тўғри қўймаса, девор юлдузларга етса ҳам қийшиқ бўлиб қолаверади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ГЕРБИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ

(24-мақола)

Qonun va fuqaro

Давлат герби мустақилликнинг рамзи ҳисобланади. Шу боис, у муайян қонун билан амалга киритилади, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади. 1992 йил 2 июлдаги Олий Мажлис сессиясида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли ва оқ-қора тасвири тасдиқланди.

Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат. Чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида Республика ҳурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи — қанотларини ёзган Ҳумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бандида "Ўзбекистон" деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири қуйидаги жойларда ўрнатилади:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг биносида;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биносида;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг биносида;

— Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув идораларининг биноларида;

— Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қарашли бошқа органларнинг биноларида;

— судлар биноларида;

— Ўзбекистон Республикаси Прокуратура идораларининг биноларида;

— Ўзбекистон Республикаси Дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг биноларида;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиялари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган залларда, судларнинг суд мажлислари залларида, шунингдек туғилиш ва никоҳ тантанали суратда рўйхатга олинадиган хоналарда;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, унинг Кенгаши, қўмиталари, комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва давлат қўмиталарининг; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қарашли бошқа органларнинг, судларнинг, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг, давлат нотариал идораларининг, Ўзбекистон Республикаси банк муассасалари ва ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида, гербнинг тасвирини тушириш ҳуқуқи берилган республика ва маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг расмий нашрларида;

— Ўзбекистон Республикасининг пул бирликларида, қимматли қоғозларида, облигацияларида, почта маркаларида, пул-буюм лотореяси билетларида;

— Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бериладиган дипломатия ва ўзга чет эл паспортларида;

— Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларида ўрнатиладиган сарҳад столбаларида.

Ушбу қонун талабларига риоя қилиниши учун масъулият Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвиридан фойдаланиш ҳуқуқи берилган давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг раҳбарларига юклатилган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек республикада истиқомат қилувчи бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Миродил БАРАТОВ

МАКТАБ АТРОФИГА НАЪМАТАК ЭКАЙЛИК

Tashabbus

Наъматак Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудида кенг тарқалган ва раъногулдошлар оиласига мансуб, тиканли бута эканлигини кўпчилигимиз биламиз. Унинг Қўқон, Беггер, Федченко ва Итбурун хиллари тиббиётда ишлатилади.

Ўсимликнинг бўйи одатда 1,5—3 метр, баъзан эса 6 метргача етади. Новдалари эгилувчан бўлиб, ялтироқ, қўнғир-қўнгир ёки қизил-жигарранг пўстлоқ билан қопланган. Барглари тоқ патли, 5—7 та тухумсимон, аррасимон қиррали барглардан ташкил топган. Йирик қизил, пушти, сариқ ёки оқ рангли, ҳушбўй, беш бўлакли гуллари 2—3 тадан шохчаларга жойлашган. Шакли ва ранги турлича, ширали, гул ўрнида ҳосил бўлган сохта мевага эга. У апрель—август ойларида гуллайди ва июль—октябрь ойларида пишиб етилади.

Наъматак меваси таркибида организм учун ниҳоятда муҳим бўлган С (аскорбин кислотаси), B_2, Р, Е ва К витаминлари, организмда А дармондорисига айланувчи каротин моддаси, қанд ва бошқа моддалар, уруғи таркибида эса ёғ бирикмаси бор.

Унинг меваларидан қувватни оширувчи, ўт ва пешоб ҳайдовчи ҳамда цинга (организмда С дармондориси етишмовчилиги сабабли юзага келувчи хасталик бўлиб, унда тишларнинг тушиб кетиши ва соч тўкилиши, милкнинг тез-тез қонаб туриши, қон томирлари деворининг мўртлашиб қолиши, дармонсизлик ва бошқа аломатлар пайдо бўлади) касаллигига қарши восита сифатида халқ табобатида фойдаланилади.

Мевалари илмий тиббиётда поливитамин хом ашёси бўлиб ҳисобланади. Унинг препаратлари (экстрактлар; сироплар; пилюлалар, яъни ичиш учун мўлжалланган қаттиқ дори шакллари; таблеткалар) гипо ва авитаминозлар (витаминлар танқислиги) ҳамда организмда улар туфайли келиб чиқадиган касалликларни даволашда қўлланилади.

Ёнғоқчаларидан эса мой олиниб, у куйишларда, дерматозларда (тери касалликларининг бир тури), рентген нурлари билан даволашда ишлатилади. Мевасининг юмшоқ қисмидан аскорбин кислотаси ва каротолин номли мойли экстракт олинади. Каротолиндан трофик яралар (тўқималарнинг қон билан таъминланишининг бузилиши натижасида ҳосил бўлувчи яралар), экзема, эритродермиянинг (тери остида майда нуқтачалар шаклида қон тўпланиши) бир қанча турлари ва бошқа тери касалликларида фойдаланилади.

Адабиётларда ушбу ўсимликнинг айрим турларидан олинган доривор моддаларнинг ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси, ўпка сили, безгак, ич кетиши, ичак инфекциялари, ҳар хил аъзолардан қон кетишлар, стоматит (оғиз бўшлиги шиллиқ қаватининг яллиғланиши), ярали колит (йўғон ичак шиллиқ қаватининг яллиғланиб, унда яралар ҳосил бўлиши), ҳар хил юқумли хасталиклар ва бошқа касалликларга шифобахшлиги ҳамда уларнинг иммун система (организмнинг касалликларга қаршилигини таъминловчи тизим) функциясини кучайтириши ҳақидаги маълумотлар ҳам бор.

Озиқ-овқат саноатида наъматак мевасидан турли витаминларга бой концентратлар, конфетлар ва бошқа қандолат маҳсулотлари тайёрланади.

Келтирилган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, наъматакнинг ҳар хил витаминларга бойлиги ва кўпгина хасталикларга шифобахшлиги, шубҳасиздир. Шунинг учун уни имконият бор жойларда, айниқса ўқиш ва даволаниш муассасалари жойлашган ҳудудлардаги ер участкаларида экиб, кўпайтириш, шифохоналар ва мактабларда фитобарлар ташкил қилиб, унинг мевасидан тайёрланган қайнатма, шарбатлар ва бошқа дори шаклларини болалар ва беморларга бепул ёки арзонлаштирилган нархларда тарқатиш хайрли ишлардан саналади.

Жумладан, қайнатма тайёрлаш учун мевасининг юмшоқ қисмини олдиндан қуритиб, майдалаб, ундан 1 ош қошиқ миқдорида олинади ва бирор қопқоқли идишдаги 2 стакан (400 мл) сувга солинади ҳамда 10 дақиқа давомида қайнатилиб, бир кун мобайнида сақлаб қўйилади. Сўнгра бу аралашма дока ёрдамида сузилиб, унга шакар қўшилади ва юқорида айтиб ўтилган касалликларга қарши кунига 2-3 маҳал ярим стакандан (100 мл) овқатдан олдин ичилади. Бу қайнатмадан оғизни чайишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Мевасининг сувли экстракти ҳисобланган холосасни эса дорихонадан олиб, шифокор тавсиясига биноан жигар ва ўт пуфаги хасталикларида кунига 3 маҳал 1 чой қошиқдан ичилади.

Наъматакнинг тайёр шарбати ҳам бўладики, уни дорихонадан олиб, номлари юқорида зикр этилган хасталикларни даволаш ёки уларнинг олдини олиш мақсадида катталарга 1 ош қошиқдан, болаларга эса 1 чой қошиқдан кунига 3 маҳал овқатдан олдин берилади.

Рўзимуҳаммад СУЛТОНОВ,
"Bioekosan" республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси директори,
Дарвишали ТЕШАБОЕВ,
мажмуа олий тоифали услубчиси,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Mulohaza

Сирғали туманидаги 318-боғча-мактаб мажмуасида бўлиб ўтган Тил байрами мажмуа аҳли учун қўшалоқ байрамга айланиб кетди, чунки бундан етти йил муқаддам мазкур жамоа эзгу ниятлар билан ўз фаолиятини бошлаган эди. Дастлаб болажонларни мажмуа директори Ҳамид Ходжаҳонов табриклаб, уларга самимий тилаклар билдирди. Шундан сўнг Тошкент шаҳар ХДП кенгаши раисининг 1-котиби Лола Исматова сўзга чиқиб шундай қувончли кунда ўқувчиларни табрикладилар. Болажонлар ўзларининг байрамга тайёрлаган саҳна чиқишларини намойиш қилдилар.

Мазкур муассасада 252 нафар ўқувчи мактабда, 53 нафар болажонлар боғчада таълим-тарбия оладилар. Устозлардан барча илм-фаннинг сир-синоатларини ўрганаётган келажак ворислари ўзлари таълим олаётган даргоҳ ҳақида фикрларини ҳам бериб ўтдилар.

—Мен ўз мактабимни жудаям яхши кўраман, чунки бу ерда устозларимиз бизга яхши дарс беришади. Касб-ҳунар ўргатишади.

—Тикувчилик, карате, компьютер сабоқлари, хор, рақсалик тўгаракларини мунтазам бизни санъат, спорт турларидан баҳраманд этишга ҳозиру нозир.

—Тўгарагимиздаги Қудрат ака Ортиқов эса шахмат-шашка сирларини бизга ўргатадилар.

Бир-бирларига гап бермасдан мақтанаётган Бону, Муҳайё, Бобур, Дилнавоз, Абдуғаффорларни кўриб уларга ҳавасим келди. Мустақиллик даврида тарбияланаётган шу кичкинтойлар беғубор болаликни айнан шундай мажмуаларда, байрамлар ҳамроҳлигида ўтказмоқдалар.

Назокат ХОЛМЕТОВА

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Зафар Бакиев олган сурат.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Тарбия аждодларни авлодларга, ўтмишни бугунга, бугунни эса келажакка боғловчи кўприк вазифасини бажаради. У оталаримиз тўплаган жамики яхши фазилатлар ва хислатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг тўплами, йиғиндиси, қолаверса, улар тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва барча илмларни билиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Агар инсон тўғри тарбия топмаса, унинг фаолияти жамият учун зарардир. Буюк мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил айтганларидек, агар меъмор дастлабки ғиштни тўғри қўймаса, девор юлдузларга етса ҳам қийшиқ бўлиб қолаверади. Ушбу фалсафий мушоҳадалар тарбия масаласига ҳам бевосита дахлдор. Унинг "Абдулмаоний", яъни "Маъноларнинг отаси", деб аталиши ҳам бежиз эмас.

Жамоатчилик ўртасида барча муаммолар маънавий жиҳатдан баркамол кишиларнинг фидокорона ва ҳалол меҳнати, ҳамкорлиги ва ҳамфикрлиги асосида ўз ечимини топади. Шунинг учун инсон шахсини, унинг маънавиятини шакллантиришда тарбия устувор аҳамиятга эга. Ҳар қандай таълим тарбия билан уйғунлашгандан кейингина юксак маънавиятга замин бўла олади.

Қомусий аллома Абу Али ибн Сино тарбиявий жараён ақлий, жисмоний, эстетик, маънавий тарбия ва ҳунар ўргатишни ўз ичига олади, дея талқин қилади. У тарбиянинг бош мақсади болаларни ҳар томонлама ривожлантиришда, уларда оғир-вазмин характерни шакллантиришда деб тушунади. Хусусан, "Тиб қонунлари" асарида шундай ёзилади:

"Болага тўғри тарбия берилганда, икки карра фойда кўрилади. Биринчиси, боланинг қалби мусаффо бўлиб ўсади, унинг фикрини фақат ижобий интилишлар эгаллаган бўлади. Иккинчиси, бола қанчалик яхши тарбияланган бўлса, унинг соғлиги, ташқи кўринишида ҳам шунга яраша бўлади" (Ибн Сино. Тиб қонунлари, Тошкент-1981, 245-бет.)

Педагог-ўқитувчиларимиз нафақат таълим-тарбия берувчи, балки ўта онгли кузатувчанлик қобилиятига ҳам эга бўлишлари керак. Табиийки, тарбияланаётган боланинг руҳий ҳолатларини аниқ сеза оладиган, кўра биладиган тарбиячилар афзалликка эга бўладилар.

КЎРА БИЛИШ — бу энг майда ташқи белгилар (мимика, оҳанг ва ҳаракат) дан боланинг ички ҳолатини, унинг иштиёқи, ишончи ёки иккиланиши, умид-истакларини белгилаб олиш демакдир. Бу эса педагогик маҳоратнинг энг зарурий шартларидан биридир.

КЎРА БИЛИШ ИККИ ХИЛ:

1. "УҚИБ ОЛИШ" маъносидаги кўра билиш. Бу тажриба асосида ўхшаш томонларни белгилаш, таққослашни ўзлаштирган ҳолда ахборотни тезда ишлаб чиқиш демакдир.

2. "БАҲОЛАШ" маъносидаги кўра билиш. Бунинг моҳияти қуйидагича:

Нигоҳимиз болалар нигоҳи билан тўқнашганда улар бизнинг муносабатимизни ҳам билишга ҳаракат қиладилар. Биз уларнинг хулқ-атворини баҳолаётганимизда улар бизнинг қарашларимизни фаҳмлаб, бизнинг муносабатимиз "ҳисобини" чиқариш билан банд бўладилар. Шу боис, доно халқимиздаги "Кўз — қалб ойнаси" деган ҳикматли ибора ҳам катталарнинг, ҳам болаларнинг қарашларини баравар ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ IX сессиясида Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқида фуқаролик жамиятини шакллантиришни устувор йўналишлардан бири сифатида кўрсатиб, унинг мазмун-моҳияти тўғрисида батафсил тўхталди. Мазкур масала, яъни республикамизда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, аввало, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини, унинг истиқболини аниқ белгилаш масаласи ҳам юқорида таъкидланганидек, тўғри кўра билишлик билан узвий боғлиқдир. Узоқни кўриш, аниқ хулосалар чиқаришга эришиш эндиликда нафақат ўқитувчи-педагог, балки ҳар бир фуқаронинг одатий кўникмасига айланиши лозим. Бундай маҳорат узоқ тажрибалар асосида ўзини синчиклаб текшириш ва олинган маълумотларни чуқур таҳлил қилиш орқалигина яратилади. Ўз олдига онгли равишда бу вазифани қўйган ҳар бир фуқаро уни эгаллай олиши мумкин.

Мақсадимиз озод ва эркин фуқаролик жамиятини яратиш экан, биз аввало, етишиб келаётган ёш авлод, яъни бўлажак фуқароларни ана шундай юксак руҳда тарбиялаб, уларга янгича таълим бериш йўлларини қидиришимиз ва топишимиз керак.

Баҳодир СУЮНОВ,
Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси

"БОЛАМГА АЧИНАМАН"

дейишади уч йигитнинг онаси ҳам

Ma'rifatsiz kishilar

Нодир атиги саккиз минг сўм учун нафақат молини, балки жонини ҳам гаровга қўйиб Сирдарёга бораётганини сезганида бунга сира рози бўлмасди. Аммо, тақдир деймизми ёки пешонасига ёзилгани шумикин, Сирдарёдан унинг жасадини олиб келишди.

Бормоқчи эмасди. Рўзғор ташвишида тўрт-беш сўм илинжида кўчага машинасида чиққанди. Икки нафар йигит уни тўхтатиб, Отчопар бозорига олиб бориб қўйишни сўради. Йўл ҳақи келишиб олингач, йўлга тушишди. Бироқ, бозорга етиб келгач, ҳалиги йигитлар йўл ҳақига пул топа олишмади. Шундан сўнг улардан бири Сирдарёга олиб бориб қўйсангиз, 8 минг сўм берамиз, деди.

Сирдарёга боришга бензиним йўқ, деганди, сиз шу ерликсиз, биронта танишингиздан пул қарз олиб, ёнилғи олинг. Биз пулини берамиз, дейишди.

Ўзи шу ергача пулини тўлашнинг уддасидан чиқмаган йигитлардан гумонсираб боргиси келмадию аммо дурустгина кира ҳақини эшитиб рози бўла қолганди.

***

Маҳалла посбонлари ва жамоатчилик вакилларидан иборат тунги гуруҳ аъзолари ташландиқ бинонинг пана қисмида, ариқ ёнида бошига елим халта ёпилган, оёғи кўриниб ётган кишини кўриб, бирон бир маст одам ухлаб қолганга ўхшайди, деганича унинг ёнига борадилар. Улар яқинлашгач, бир қулоғини мушук ёки каламушлар еб кетган жасадни кўриб, дарҳол ички ишлар бўлимига хабар қилишади.

Тезкор гуруҳ воқеа жойига етиб келди ва дарҳол жасаднинг шахсини аниқлашга, бир инсонни шу кўйга солиб кетган қотилларни топишга киришди.

Текширувлар натижасида бундан бир кун олдин Сирдарё шаҳар Гулистон кўчасида қолдириб кетилган "Жигули" автомашинаси мазкур марҳумга тегишли эканлиги ва унинг шахси аниқланди.

Шундан сўнг қотиллар қидирила бошланди. Гоҳида шунақаси ҳам бўлиб туради. Салгина инсоф деймизми ёки кейинроқ бўлса-да қалбида диёнат пайдо бўлган баъзи бир кишилар қилар ишни, қилғилиқни қилиб қўйган бўлсалар, тавба тазарру қилиб қоладилар. Бу гал ҳам шундай бўлди. Икки қотилдан бири айбини тан олиб ўз оёғи билан келиб қолди.

Марҳумнинг оила аъзолари қалбидаги ярани тирнаб янгиламаслик учун айбланувчилару жабрдийданинг исм-шарифини ўзгартирдик.

Мақсадимиз даҳшатли қотиллик содир этган икки бетайин йигитнинг бетутуруқ хатти-ҳаракатларию тирикчилик илинжида тақдирига аянчли қисматни сотиб олган жабрдийда Нодирнинг кўргулигини баён этиш эмас. Аксинча, арзимаган пул учун қотилликдек жирканч иллатга қўл урган йигитларнинг хатосини яна кимлардир такрор содир этмасин. Ҳар бекатда қаторлашиб турган киракаш ҳайдовчилар ҳам бу воқеадан тегишли хулоса чиқаришиб, машинасига ўтираётган бегона йўловчиларнинг ноғорасига ўйнаб, Нодирга ўхшаб қолмасин, деган умид.

Қисқаси, Элдор билан Володя панжара ортидаги ҳаётдан бохабар болалар. Болалар дейишимизга сабаб, улар болалигидаёқ қинғир ишга қўл уриб, қилмишига яраша жазога мустаҳиқ этилган. Бироқ, Президентимизнинг инсонпарварлик акти туфайли, улар энди қинғир ишга қўл уришмас, деган ниятда жиноий жазодан барвақт озод этилган. Аммо афсуски, улар ўша куни Тошкент шаҳрига келиб, қайтишда пулсиз йўлга чиқишади.

Хуллас, сайёҳлик эмас, саёқлик уларни таёқ ейиш сари етаклади. Яъни, "Отчопар бозори"да ҳайдовчига пул топиб бераолмаган бу йигитлар, ўз режаларига кўра ҳайдовчини ипсиз боғлаб қўйишди. "Энди у биз билан кетишга мажбур. Сирдарёга етиб олсак, у ёғи бир гап бўлар".

Шундай бўлди. Сирдарёга етиб келгач, ҳайдовчи яна улардан хизмат ҳақини ололмай анча сарсон бўлди. Элдорнинг пулни отамдан олиб бераман деганича машинани ферма томон ҳайдаши уларнинг қабиҳ мақсадини амалга оширишига йўл очиб берди. Чунки, Элдор отасини топа олмагач, пул ҳам топилмади. Ҳайдовчи эса, уларнинг ёқасидан олди. Ҳали сенлар мени аҳмоқ қиласанларми?! Сенга ўхшаганларни кўп кўрганман, ернинг остидан бўлса ҳам йўл ҳақини берасанлар".

Шундан сўнг Элдор Володяни четга чақириб, ҳайдовчини ўлдирамиз, дейди. Володя рози бўлади. Шу дам Володя ҳайдовчига туфлимни артиш учун юкхонадан латта оламан дейди ва машина калитини олиб юкхонани очади. Сумкасидан латта билан бирга пичоқни олиб жойига бориб ўтиради. Ҳайдовчи "энди нима қиламиз, қаерга борамиз", деганида орқа ўриндиқда ўтирган Элдор унинг бўйнидан бўға бошлайди. Володя эса қўлидаги пичоғини ҳайдовчининг кўкрагига уради. Иккинчи уришда пичоқ Нодирнинг кўкрагига кирмасдан синиб кетади. Элдор эса икки-уч дақиқа бўғиб туриб ниҳоят ҳайдовчи тинчиб қолганидан сўнг уни қўйиб юборади.

Нафақат йўл ҳақини тўлашдан, балки ҳайдовчидан ҳам қутулган йигитлар жасадни машина юкхонасига ортиб ахлат ташланадиган жойга олиб боришади. Жасадни туширib ариққа ётқизишади ва устига учта эски қопни ёпиб кетишади.

***

Марҳумнинг руҳи қотилни бир умр таъқиб қилади, деган гапда жон бор. Володя сира ухлай олмайди. Туни билан алаҳсираб чиқади. Элдор ҳайдовчини бўғаётганида бир сўз айта олмаса-да, унинг Володяга қараган кўзлари, жон талвасасида Элдорнинг арқонидан қутулиш учун курашиш баробарида унга мўлтираб боққанича, "Мени ўлдирманглар укалар, майли пул бермасанглар ҳам ўлдирманглар", деяётгандек кўз ўнгидан сира кетмайди. Мана шу безовталик уни ички ишлар бўлимига етаклаб келади. "Биз уни ўлдирмоқчи эмасдик, роса хит қилиб юборди", дейди Элдор ўзини оқлагандек бўлиб.

Во ажаб, ўлдирмоқчи эмасдик эмиш. Хўш унда нега ўлдирдинглар?! Ҳа, улар 8 минг сўм учун қотилликка қўл уришади. Икки нафар йигитнинг тақдирига "қотил" деган тамға босилди. Бир бечора киши оламдан барвақт кўз юмди. Уч нафар фарзанд отамлаб қолди.

Икки қотил ва марҳумнинг оналари кўз ёшидан юрак зирқирайди. Аммо ажабланарлиси, бола-чақам деб шу кўйга тушган, икки бетавфиқнинг қўлида, жон таслим қилган Нодирнинг онаси қатори боласига тарбия бераолмаган икки қотилнинг оналари ҳам боламизга ачинамиз, дейишди. Ҳа, уларга ишонса бўлади. Чунки улар боласига ачинганидан уларнинг қўлини совуқ сувга урдирмай катта қилган. Аммо қайси онанинг қандай ачинаётганини ўзингиз фарқлаб оларсиз.

Зиёдулла ТУРСУНОВ,
милиция капитани

Кунчиқар мамлакатда бошланғич таълимнинг замонавий тизими қариб 100 йил муқаддам юзага келган.

Бугунги кунда таълим олувчилар учун кўпроқ миқдорда кредитлар ажратишга асосий эътибор қаратилмоқда. Ваҳоланки кўпгина талабалар грантга муҳтож. Бу борада тезликда қарор қабул қилиш лозим.

Xorijda ta'lim

САВОДХОНЛИК — ЮКСАК ҚАДРИЯТ

унга эришиш учун японлар сўнгги чақасини ҳам сарфлашга рози бўлишади

Япония тез суръатларда тараққий этаётган давлатлар сирасига киради. Бу ҳол япон халқининг табиатан меҳнатсеварлиги ва ишбилармонлиги билан чамбарчас боғлиқ, десак муболаға бўлмайди. Жаҳонда юз бераётган энг сўнгги янгиликларни илғаш ва татбиқ қилиш орқали юксалиш сари интилиш, шунингдек, энг сўнгги илм-фан ютуқларидан фойдаланиш ва уларни янада ривожлантириш — япон миллатининг азалий анъанасига айланган.

Кунчиқар мамлакатда азалдан кишиларнинг ақлий имкониятларидан фойдаланувчи илм-фан ва техникани қўллаш сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда бу давлат илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида сарфланаётган маблағлар миқдори бўйича дунё давлатлари орасида иккинчи ўринни эгаллайди ва унга сарфланадиган ҳаражатлар ялпи миллий маҳсулотнинг 3 фоизини ташкил қилади. Мамлакатда жами 600 мингдан зиёд илмий ходим бўлиб, 300 мингга яқин кашфиётлар учун патент олинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Япония давлатининг яна бир ўзига хосликларидан бири, бу мамлакатда таълим-тарбия ишига ҳам ҳукумат даражасида алоҳида эътибор қаратилади. Бола тарбиясида миллий, халқ педагогикаси устунликка эга. Шунинг учун бўлса керак, япон болалари "каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш" ақидасига қатъий амал қиладилар.

Фарзандларини келажаги ва ишончи деб, уларнинг ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол ва ўқимишли бўлиши ҳар бир ота-онанинг, жамият ва бутун миллатнинг орзу ва интилишидир. Япон халқи ҳам ўз фарзандларининг шу тарзда камол топиши учун барча имкониятларни сарфлашга ўзини бурчли деб билади.

Бу ҳолат, айниқса бугун, дунё тез суръатларда тараққий этаётган, ҳар қандай мамлакат кескин иқтисодий рақобат муҳитига ўралган, бутун дунё ягона глобал сайёрага бирлашаётган XXI асрда, айниқса, муҳим. Ахборот-технологик революцияси саноат табиатини ўзгартириб, Японияда ўзига хос "Knowledge-led" иқтисодиётини юзага келтирмоқда. Бу шаклдаги иқтисодиётнинг асосий талаби — профессионал-технологик жиҳатдан юқори малака ва қунт зарурлигидир.

Технологик революция, шунингдек, глобал ўзгаришларнинг ҳам асосий сабабчисига айланмоқда. Чунончи, туғилишнинг камайиши, жамиятнинг "кексайиши" (aging society), урбанизация жараёнларининг кескинлашуви, ядровий қуролларнинг хавфи, экологик муаммолар Японияни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ.

Замонавий таълим муаммоларига бағишланган Кёлн халқаро саммити (1999 йил) ва унда билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида 2000 йилда ўтказилган жаҳон мамлакатлари таълим вазирларининг халқаро анжуманида таъкидлаганидек, таълим кўпгина дунё мамлакатларининг муҳим даражадаги умумий муаммосига айланган. Шунингдек, ҳар бир миллат бу муаммони бартараф этишда ўзига хос миллий хусусиятларни инобатга олиши зарурлиги уқтирилмоқда.

Японияда таълимга доимо бирламчи эътибор қаратилиб келинган. Билим эгаллашга бўлган қизиқиш ва интилиш замонавий муваффақият бўлмай, у Эдо (1603-1868 йиллар) давридаёқ ўзлаштирилган. Ўша пайтларда мактаб вазифасини будда ибодатхоналари бажариб, уларни феодаллар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлар ҳамда "ҳаётдаги муваффақиятларнинг асосий омили — таълим-тарбия" тамойили улар томонидан юксак қадрланар эди. Ўша даврлардаёқ кишилар ўз фарзанди саводини чиқариш учун бир парча ерини ҳам сотишга бажонидил рози эди. Таълим олишга бўлган интилиш бугунги кунда ҳам шу қадар кучлики, бунақаси аввалги даврларда ҳам кузатилмаган.

Умумий таълим босқичлари ғарбча кўринишда бўлса-да, ўзига хос миллийликка эга. Япон маданиятининг ноёб анъаналарини ўрганиш ва бошқа давлатлар цивилизацияси тажрибаларини ўзлаштирган ҳолда таълим тизимини такомиллаштириш, Европа ва АҚШнинг асосий таълим шаклларини ўрганиш, татбиқ қилиш таълим тизимининг ўзига хосликларини ташкил этади.

Япония кўп босқичли таълим жараёни 6-3-3 (6 йил — бошланғич, 3 йил қуйи ўрта, 3 йил юқори ўрта мактаб) тизими ҳамда уч босқичли (бакалавриатура, магистратура ва докторантура) олий ўқув муассасаларидаги таълимга ажратилади. Мактабларда хорижий педагогик тажрибалар ўзига хос усуллар асосида қўлланилади. У ҳаётий муваффақиятни таъминловчи таълимнинг зарур йўналишларини белгилаб берувчи прогматизм кўрсатмалари асосида, шунингдек, жамоавий шаклдаги тарбиянинг россияча тамойиллари умумлаштирилган ҳолда ташкил этилган.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ

Кунчиқар мамлакатда бошланғич таълимнинг замонавий тизими қарийб 100 йил муқаддам юзага келган. У асосан ғарб андозаларини ўзида умумлаштирган эди. 1872 йилда давлат таълим муассасалари иш бошлаган бўлса, 1875 йилда уларнинг салмоғи 25 мингдан ортди. Орадан қарийб 130 йил ўтгач, вазият тубдан ўзгарди, дейиш мумкин. Гарчи, дастлабки йилларда мактабда таълим олиш давлат томонидан мажбурий ҳолда белгиланган бўлса, бугунги кунда ўз фарзандларини ўқитиш ниятида бўлганлар озми-кўпми харажат қилишларига ҳам тўғри келади. Ҳозир мамлакатда 24188 та бошланғич мактаблар фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 23944 таси муниципал, 171 таси давлат ва 73 таси хусусийдир. Бошланғич мактабларда бугунги кунда 7,5 млн. нафар ўқувчи таҳсил олиб, уларга 411 478 нафар ўқитувчи сабоқ бермоқда.

Япония умумтаълим мактабларининг ўқув дастурлари умуммиллий андозалар билан мослаштирилган. Шунга асосан кўпгина дарслик ва ўқув адабиётлари яратилиб, тасдиқланади. Япон ўқувчиси Европа ва америкалик тенгқурларидан фарқли равишда, ўқув йилида узоқ (апрелда бошланиб март ойида якун топади) сабоқ олса, таътилда қисқа муддат ҳордиқ чиқаради. Ўқув йилида 3 та семестр бўлиб, йил давомида 5 маротаба тест имтиҳонлари ўтказилади.

Ҳар бир бошланғич мактаб битирувчиси мингта канжини ёддан билиши лозим. Ҳар бир канжи энг камида 5 та маънони англатади. Ўрта мактабни тамомлаган ўқувчи эса икки баробар кўпроқ иероглифларни ўқиши ва ёза билиши шарт. Кундалик ҳаёт учун бу рақам етарли албатта, бироқ профессионал фаолият учун бу миқдор кам. Университетларда бу заҳира янада бойийди. Бироқ, улар учун ҳамон ўқиш ва ёзиш мушкул вазифа бўлиб қолади.

Японлар бу муаммонинг ҳам ечимини топдилар. Иероглифлардан воз кечмаган ҳолда, улар бўғин хатлари: катакан ва хироганлардан фойдалана бошладилар. Канжида ёзиш ва тушунишга қийналганлар учун янги компьютер дастурлари ишлаб чиқилди. Бу дастурлар катакан ва хироганларни сурат кўринишига, канжиларни эса аксинча, бўғин хатига ўгириш вазифасини бажаради.

Иероглифларни ўрганиш шахснинг кўриш хотирасини шакллантириш билан бирга, тўлақонли ва мукаммал фикр билдириш қобилиятини ҳам ривожлантиради. Иероглифларни қайта-қайта ёзиш эса пухталик, тиришқоқлик, ғайрат-шижоат, чидамлиликни тарбиялайди.

Мактабларда 3-6-синфлардан бошлаб табиий фанлар бўйича сабоқлар бошланади. Таълим жараёнида бу фанларни ўзлаштиришнинг ҳам ўйналишини умумлаштириш таклиф қилинмоқда, жумладан, табиат ҳодисалари, материя ва энергия, Ер ва Коинот.

Бошланғич мактабда шунингдек, зарурий билимларни кенг миқёсда ўзлаштиришнинг самарали услубларини татбиқ қилишга бирламчи эътибор қаратилмоқда. Бунда, айниқса интегратив ноанъанавий усул, табиий ва умумий фанларни ўрганишда ўзаро алоқадор восита сифатида "Атроф-муҳитни ўрганиш" курси қўл келмоқда.

Бошланғич мактабга ўқувчилар 8:30 га етиб келсалар, 15:45 гача дарс машғулотларида бўладилар. Дарслар тамом бўлгач ҳам ўқувчиларни баъзи ишлар кутади: синф хоналарини тозалаш, тушлик, қўмита йиғилишлари, клублар фаолияти ва ҳоказо. Мактаб ўқувчилари дам олиш кунларида ҳам турли спорт тўгараклари ва клубларда машғулот ўтказадилар.

Бошланғич мактаб ўқувчилари учун яратилган ўзига хос компьютер дастурлари, битирувчиларга келгуси касбий фаолиятини танлаш ва баҳолаш имконини беради.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ

Қуйи ўрта мактабда (7-9-синфлар) тўлиқ бўлмаган умумий таълим берилади. Ўқув дастурларини ўзлаштириш мажбурий. Фан предметларини танлаш таълимни давом эттириш ёки меҳнат фаолиятига тайёргарлик билан ўлчанади (худди мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари сингари).

Ўрта мактабда (10-12-синфлар) ёшларга академик (яъни университетларга ўқишга кируvчи ўқувчиларни тайёрлаш, умумий таълимни якунлаётганлар) ва касбий (ўрта тоифадаги мутахассислар тайёрлаш бўйича) таълим берилади. Миллий тамойилларга асосан, юқори ўрта мактабда 2 турдаги дастурга асосан ўқитилади: умумтаълим ва махсус.

Юқори синф ўқувчиларининг ҳар бир предметни ўзлаштириши учун ажратилган соатлар миқдори кредитда ҳисобланади. Ҳар бир предмет кредитларнинг маълум миқдори билан баҳоланади. Омадли битирувчи камида 80 кредит жамғариши лозим бўлади.

Мактабларни вербал таълим бошқаради. Бу анъанага мувофиқ вақтни рационал ва иқтисодий тарзда режалаштириш лозим. Дарсда ўзлаштириш учун берилган вазифаларни бажариш билан бир қаторда, ўқувчилар ёзма рефератлар, маърузалар ҳам тайёрлайдилар. Бу ишларни бажариш ўқувчилардан турли муддатни — бир ой, уч ой, ҳатто ярим ва бир йилни талаб этади.

Мактабларда ўқувчилар вақтининг катта қисми ва асосий диққат-эътибори компьютер саводхонлигини ошириш ва мустақил равишда интернетда ишлаш малакасини оширишга қаратилади.

Ўрта мактабларда ислоҳотлар ўтказиш, Япония ҳукуматининг асосий эътиборидаги объектдир. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар ғояси — турли кўринишдаги таълим муассасаларини ташкил этиш, ўқув курсларини такомиллаштириш, интегратив дастурларни татбиқ қилиш, индивидуал таълимни шакллантириш ва ҳоказолардан иборат. Табақалаштирилган дастурларни амалга оширишда ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжлари, қизиқиш ва интилишлари ҳам эътиборга олинади. Ҳозирда табақалаштирилган таълимни сифат жиҳатидан янада такомиллаштириш, унинг турли механизмларини ишлаб чиқиш орқали ўқувчиларни таълим муассасаси, дастур ва ўқув курсларини ўз қизиқиши, дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда эркин танлаш имкониятларини яратиш, ўқувчиларни психологик стресс ва тўсиқлардан халос қилиш усуллари изланмоқда.



Ўрта мактабларда ишлаб чиқилган янги дастурларга тўхталадиган бўлсак, у таянч таълимга асосланган бўлиб, ўқувчининг ўз фикрини эркин билдира олишига, ҳар бир фанни ўзлаштиришга ижодий ёндашишига, шахсий мулоҳазаларини ривожлантиришга имкон беради. Шунингдек, янги дастурга асосан ўқувчи ўқув курсларини эркин танлаши мумкин. Бунда ўқувчига таълимнинг уч йўналишдан бирини танлаш имконияти ҳам берилади. Яъни, мажбурий, махсус ва интегратив. Мажбурий ва махсус таълим йўналишлари худди бизнинг таълим тизимимизга ўхшайди. Интегратив дастурларда мажбурий ўқитиладиган дастурлардан ташқари турли вариантлар таклиф қилинади. Эркин танланган фанлардан ташқари айрим предметлар — япон тили, метаматика, жисмоний тарбия, тарих, иқтисодиёт фанлари мажбурий ўқитилади.

Таълим ислоҳотлари жараёнида ўқув йили, дарс машғулотлари, баҳолаш тизимларини имкон қадар ихчам тартибда ташкил қилишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ўрта таълим тизимида кейинги йиллар давомида юз берган ўзгаришлар сирасида ўқув предметлари сертификат кредитларининг "баҳоси" ҳам ўзгартирилди. Махсус фанларни ўзлаштириш омиллари оширилди, яъни айрим предметларни баҳолашда кўпроқ кредитлар бериш шакли жорий қилинди.

Япония таълим ислоҳотларининг муҳим вазифаси — ўсмирёшларни мактабнинг юқори синфларига ўқишга қабул қилишда педагогик мақсадга мувофиқликни кучайтиришдан иборат. Ўқишга қабул — таълим муассасалари маъмуриятининг иши. Қабул ҳайъатининг сўнгги қарори тест натижалари, кредитлар суммаси ва ўқувчи тўғрисидаги қўшимча маълумотлар жамланган; эълон қилинади. Юқори синфларга ўқишга кириш жараёнида япон тили, математика, ижтимоий фанлар ҳамда хорижий тиллардан тест имтиҳонлари ўтказилади. Айрим ҳолларда синов жараёнида танлов қатнашчиси томонидан тайёрланган ёзма рефератлар, унинг спорт соҳасидаги эришган ютуқлари, жамоатчилик ишларидаги фаоллиги ҳам эътиборга олиниши мумкин. Имтиҳон комиссияси аъзолари томонидан абитуриент билан суҳбат ўтказилиши, унга берилган тавсиянома ва тавсифномалар ҳам ҳайъат томонидан ўрганилади.

Япон мактабларидаги консерватизм педагогик тушунча афсоналари билан боғлиқ. Педагогик мифологиянинг асоси сифатида мактаб ўқув-тарбиявий жараёнини стандартлаштириш ғоясига хизмат қилади. Бугунги кунда айрим мактаблар анъанавий репродуктив таълим тизимини ўзгартириш, ўқувчиларга эркинлик бериш, ўз устида ишлаш имкониятларини кенгайтиришга интилмоқда.

Японияда сўнгги йилларда амалга оширилаётган таълим ислоҳотларининг яна бир муҳим вазифаси, бевосита пилот-мактаб(pilot-school) тажрибасини синовдан ўтказишга қаратилмоқда. Айтиш лозимки, кўпгина мамлакатлардан фарқли ўлароқ Япония мактаб базасида турли тадқиқот дастурлари кенгайтирилмоқда. Экспериментал мактаблар қоидага мувофиқ уч йиллик мақомга эга. Кўпгина тадқиқотлар таълимни диферренциация қилиш ғоясига қаратилган.

Айрим ўқув муассасаларида доимий равишда миллий ва жаҳон илм-фани, маданияти ютуқларини ўзлаштиришга эътибор қаратилади. Инглиз тилини мактабларда ўқитиш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилади.

Ўқитувчининг юқори мавқеи японларнинг "Менинг раҳбарим" сифатида анъанавий қадрлаши билан белгиланади, десак муболаға бўлмайди. "Уч қадам олдинга, бироқ "сенсея" соясидан ҳимояда бўл" — бу қадим японлар ақидаси ҳисобланади. Мактабларда ўқитувчи кадрлар масаласи билан боғлиқ муаммолар деярли йўқ. Ҳар йили бир ўқитувчи бўш иш ўрни учун 4-5 мутахассис номзод бўлади. Японияда ўқитувчи аёллар бошланғич мактабларда 60 фоизни, қуйи-ўрта мактабларда 38 фоизни, юқори ўрта мактабларда эса 21 фоизни ташкил қилади. Мактаблар босқичма-босқичма юқорига кўтарилгач, ўқитувчилар орасидаги эркакларнинг салмоғи ҳам ортиб боради. Қизиғи шундаки, Японияда ўқитувчилик касби асосан эркаклар иши ҳисобланиб, бу қараш асрлар давомида шаклланган. Иккинчидан, ўқитувчи касбининг мавқеи баланд бўлибгина қолмай, балки маошининг ҳам юқорилиги билан бўлғуси ёш мутахассисларни жалб этиши, шубҳасиз. Чунончи, ўқитувчининг бир ойлик маоши давлат муассасалари хизматчиларининг ўртача иш ҳақидан 25 фоиз устундир.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Япония олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари муҳим воқеа саналиб, ҳар бир ёшнинг келгуси ҳаётдаги тақдирини ҳал қилади, дейиш мумкин. 674 та Япония университетидан 98 таси миллий, 57 таси оммавий ва 519 таси хусусийдир.

Олий ўқув муассасасига қабул имтиҳонлари бир неча тартибдан иборат: — мактабда бешта предмет — япон тили, математика, инглиз тили, ижтимоий ва аниқ фанлар бўйича қон билим ва баҳо натижалари; — ёзма иш; — тест ва баъзи ҳолларда суҳбат шакли. Университетга ўқишга кириш иштиёқида бўлган йигит-қизлар юқорида қайд қилинган имтиҳонлар натижаларига кўра маълум бўлади. Шуниси аҳамиятлики, япон битирувчиси бир пайтнинг ўзида бирваракайига бир неча олий ўқув юрти абитуриенти бўлиб, ўқишга кириш учун ҳужжат топшириши мумкин.

Таълим, маданият, фан ва технологиялар вазири, профессор Машимура Нобутаканинг сўзларига қараганда, олий таълим тизимида бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар 7 та асосий йўналишни қамраб олган ва уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифаларни бажаради:

— мактаб таълимини базавий такомиллаштириш;

— ёшларни эркин ва маънавий баркамол руҳда тарбиялаш, талабаларнинг жамоатчилик ташкилотлари ва турли дастурларда фаол иштирокини таъминлаш;

— таълим олиш талабаларда хавф ва хавотир эмас, балки қувонч уйғотишига эришиш мақсадида ўқув жараёнини тубдан такомиллаштириб бориш;

— таълим муассасалари шундай бўлиши керакки, уларга ота-оналар ҳам, бутун жамият ҳам ишонч билдириши лозим;

— юқори малакали педагог-кадрлар сафини кенгайтириш ҳамда уларнинг билим ва малакасини узвий равишда ошириш;

— университетлар жаҳон андозаларига жавоб бериши зарур;

— XXI аср таълим фалсафасини яратиш ва таълим қонунчилигини янада такомиллаштириш.

Замонавий япон мактабидаги ўзига хос муаммолар: безорилик, зўравонлик, гиёҳвандлик. Бошқа мамлакатларга таққослаганда, бу муаммо эътиборсиз дейиш мумкин. Атиги 2 фоиз мактаб ўқувчиси ўрта мактабнинг юқори синфида ўқишни истамайди. Бироқ, бу ёшлар ҳам махсус ихтисослашган мактабларда таълимни давом эттирадилар ёки бирон фаолият тури билан шуғулланадилар. 2000 йилда 156 нафар ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари наркотик моддаларни истеъмол қилганлиги боис қамоққа олинганлар. Бу рақам 126 миллион аҳоли истиқомат қилувчи мамлакатга нисбатан таққосланганда, мазкур муаммони бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишлар самараси яққол намоён бўлади.

Таълим соҳасида бошқа бир қатор муаммолар хусусида Японияннинг Киото университети ректори, профессор Хомма Масао қуйидаги фикрларни билдиради:

— Олий таълим тизимидаги ислоҳотларни жадал амалга оширишда талабаларга бепул таълим олишни таъминловчи грант ва стипендияларни етарли даражада деб бўлмайди. Талабаларнинг 75 фоизи хусусий олий таълим муассасаларида таҳсил олишини инобатга оладиган бўлсак, бу масала ёшлар орасида катта баҳс-мунозарага сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда таълим олувчилар учун кўпроқ миқдорда кредитлар ажратишга асосий эътибор қаратилмоқда. Ваҳоланки кўпгина талабалар грантга муҳтож. Бу борада тезликда қарор қабул қилиш лозим.

Иккинчи долзарб муаммолардан бири, бу талабалар ўртасидаги интернационаллашув жараёнларининг суст бораётганлигидир. Япония олий ўқув юртларида бугунги кунда 60 мингдан зиёд хорижлик талабалар таҳсил олмоқда.

Яна бир муаммо, бу инглиз тилини ўқитиш билан боғлиқ. Олти йиллик таълим мобайнида бу йўналишга 600-800 соат вақт ажратилган, холос.

ХУЛОСА

Жамиятнинг тараққий этиши кишиларда ўз билимларини кенгайтириш ва янада такомиллаштириш, шунингдек маънавий хазинасини бойитишни талаб этмоқда. Кишилар ижтимоий-иқтисодий тизим ривожланаётган, янги техник инновациялар кашф қилинаётган бугунги даврда ўз касбий маҳоратини оширишга ва қўшимча янги билимларни ўзлаштиришга эҳтиёж сезмоқда.

Бу ҳолат жамият узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, гўдакликдан тортиб кексаликка қадар киши ўз билимларини доимий такомиллаштириб бориш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Мамлакатда ана шу мақсадда бугун нейтрал олий таълим муассасалари ташкил қилиниб, самарали фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, шу турдаги университетлардан бири "Air University" бўлиб, унда ўқиш истагида бўлганлар кириш имтиҳонларини топширмайдилар ва ёши ҳам қарийб чекланмайди (15 ёшдан тортиб 90 ёшга қадар). Мазкур университетни 1985 йилдан 2001 йилгача 87 минг тингловчи тамомлаб, диплом соҳиби бўлди. Битирувчилар орасида аҳолининг турли қатламлари — уй бекаларидан тортиб атоқли профессорларгача учратиш мумкин.

Бахтия ШАМСИЕВА,
филология фанлари номзоди, доцент

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўтган ҳафта юртимиз спорти яна дунё нигоҳида бўлди. Пойтахтимиздаги энг муҳташам спорт иншоотларидан бири - «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида самбо бўйича XI Осиё чемпионати якунланди.

Мусобақада олти давлатдан келган спортчилар гиламга чиқди.

Беллашувлар ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида кечди.

Медаллар учун кураш асосан ўзбекистонлик ва россиялик полвонлар ўртасида бўлди.

Ўзбекистонликлардан олти нафар, россиялик-лардан ўн икки нафар ва Қирғизистондан бир нафар полвон ўз вазни тоифасида Осиё чемпионлигини қўлга киритди.

ЎЗИМИЗДАН ҒОЛИБ ЧИҚМАДИ

14-20 октябрь кунлари Тошкент теннис маркази кортларида теннис бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада қитъамизнинг ўн тўрт мамлакатидан келган теннисчилар Осиё чемпионлиги учун курашдилар. Аралаш жуфтликлар беллашувларида индонезиялик теннисчилар С.Суванди ва Л.Андрияни жуфтлиги ҳамюртлари бўлган П.Хандоё ҳамда В.Савондарига қарши ўйнади. Учрашувда П.Хандоё ва В.Савондари жуфтлиги ғалаба қозонди.

Яккалик баҳсларда японияли спортчи Гоичи Мотомура финалда ҳиндистонлик Роҳан Бопаннани 6:4, 6:3 ҳисобида мағлуб этди.

Аёллар финал учрашувида японияли теннисчи - Акико Моригами ҳамюртимиз Иванна Исроилова-га қарши кортга чиқди. Чемпионатда биринчи рақамда сараланган А.Моригами дастлабки сетда 6:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Иккинчи сетда Иванна Исроилова ҳам анча ишончли ва тезкор ўйин намойиш эта бошлади. Лекин ҳамюртимиз оёғидан жароҳат олди. Шунинг таъсири бўлди, шекилли, қолган геймларда И.Исроилова японияли рақибасига етарлича қаршилик кўрсата олмади. ўйин 6:2, 6:1 ҳисобида А.Моригами фойдасига ҳал бўлди.

ЎЗБЕКНИНГ МУНОСИБ ЎРНИ

Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган жаҳон кубоги мусобақасида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов финалгача борди.

Ярим финалда у Словения вакили Александр Белявскийни 1,5:0,5 ҳисобида мағлуб этиб, биринчи бўлиб финалга йўлланма олганди. Асосий учрашувда у ҳиндистонлик собиқ жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд билан куч синашди. Беллашувда ҳамюртимизга иккинчи ўрин насиб этди. Шу йилнинг 25 октябридан 10 ноябрига қадар Словениянинг Блед шаҳрида бўладиган жаҳон шахмат олимпиадаси ҳам ўзбекистонлик шахмат усталари қизғин финал баҳсларини тақдим этади, деб ишонамиз.

Milliy o'yinlar

"ТОЙЧОҚЛАР САКРАШИ"

Ёши тенг, жинси бир хил, оғирлигида фарқи кам бўлган болалар бир неча жамоа бўлиб мусобақа ўтказадилар. Ўғил болалар бир жамоада 8 киши бўлиб иштирок этади. Аъзоларнинг ўйиндаги рақам белгилари қуръа ташлаш йўли билан аниқланади. 1-2 рақам олган болалар бошловчи бўладилар, 3-4, 5-6, 7-8 рақамлилар ўйинни давом эттирадилар. Жуфтланган болалар (3-4, 5-6, 7-8) ўйин бошида тўсиқлар ташкил қиладилар.

Бошловчилар ҳакамнинг буйруғи билан 3-4 рақамли болалар ҳосил қилган тўсиқ устидан сакраб ўтадилар ва югуришни давом эттирган ҳолда 5-6 рақамли болалар ҳосил қилган тойчоқ устидан ҳам сакраб ўтишни амалга оширадилар. Сўнг 7-8 рақамлилар тузган тўсиқдан сакрайдилар. Ва 1-2 рақамли ўйинчилар 7-8 рақамлилар ҳосил қилган тўсиқдан уч метр узоқликда тўсиқ тузиб биринчи бўлимдаги сакрашлар машқини якунлайдилар. Бу босқичда тўсиқлар орасидаги масофа 3 метрдан эди. Ҳакамлар ҳар бир жуфтлик югуриш, сакраш, навбати билан кейинги жуфт тойчоқларнинг сакрашига тайёр туриш учун 1-2, 3-4, 5-6, 7-8 лар қанча минут ва секунд вақт сарфлаганини ҳисоблаб ахборотга қайд этадилар. Ўйиннинг иккинчи босқичи жуфтликлар ўрни ўзгармаган ҳолда олдинги тартибда давом эттирилади. Бунда тўсиқлар орасидаги масофа 6 метрни ташкил этади. Бу босқичда ҳар бир жуфтликнинг ҳаракат нафислиги, сакраш машқларининг эгилувчанлиги, қўлларга тиралиб олдинга силжишда қўлларнинг куч узатишдаги маҳорат малакасига эътибор берилади. Ўйиннинг бу босқичи ҳам олдингиси сингари ҳакамлар томонидан қайд қилинади.

Сўнг ўйиннинг кейинги босқичида тўсиқлар орасидаги масофа 9 метрдан белгиланади. Бу босқичда югуриш масофаси катта ва олдинга интилиш эркин кучи юқори бўлганини ҳисобга олиб, тўсиқ тузган жуфтликлар бошларини сакровчиларнинг тиззалари зарбидан зийраклик билан эҳтиёт қилишлари зарур. Жуфтликдаги тўсиқнинг биринчиси бошини пастга эгиб кўкрак томонга бошни яқин тутишга эътибор беришлари керак. Унинг иккинчилари бошларини шеригининг қорни ҳимоясида сақлайдилар. Мусобақа иштирокчиларининг жисмоний ривожланиш даражаларига қараб ўйинни тўрт ва бешинчи босқичини ҳам давом эттириш мумкин. Жамоа ўйиннинг навбатдаги босқичидан сўнг чарчоқ сезсалар, ўйиннинг тўртинчи босқичини 6 метрли масофа билан чегаралаб тугатишлари мумкин. Спортда меъёрга эътибор беришни тиббиёт илми паҳлавонлари ақли донишлик билан таҳлил қилганлар ва тушунтирганлар. Меъёрда адашмаслик, тийилиш кейинги пушаймон изтиробларидан асрайди ёки бошқача ифодалаганда, сабр қилганга ғурадан ҳолва битади. Спортда ҳам худди шундай, меъёрга амал қилиш шоҳсупага олиб чиқувчи чароғон йўл. Қиз болалар ўйинида жамоа ўғил болалар жамоасидагидан фарқли ўлароқ тузилади. Шу сабабли қизлар жамоаси 6 кишидан иборат бўлади. Қуръа ташлаб жамоа аъзоларининг ўйиндаги рақам белгиси аниқланади. Ўйиннинг биринчи босқичида ўйин рақами 1-3 гача бўлган қизлар сакровчи, 4, 5, 6 рақамлилар сакраш тўсиғини тузадилар. Ўғил болаларникидан фарқли равишда ҳар бир қизнинг ўзи алоҳида тўсиқ ҳосил қилади. Сакраш учун югуриш масофаси биринчи тўсиққача 3 метр, кейинги тўсиққача 6 метр, навбатдагисигача 9 метр қилиб белгиланади. Ҳар бир тўсиқдан сакровчи биринчи сакраш учун 3 метр, кейингисига 6 метр, сўнггисига 9 метр, умумий ҳисобда 18 метр масофани босиб ўтади. Жамоанинг 1-3 рақамли ўйинчилари ҳар учала 3, 6, 9 метрли тўсиқлардан сакраб бўлганларидан сўнг уларнинг ижроси: югуриш тезлиги, сакраш маҳорати, эгилувчанликдаги ҳаракатлар нафислиги ҳакамлар томонидан қайд этилгач, 1-3 рақамлилар 4-6 рақамлилар билан сакровчилик, тўсиқ тузиш вазифаларини ўзаро алмашадилар.

Шуғулланувчилар машқлар мураккаблиги ва давомийлигини ошириб борганлари сари уларнинг танаси ўз кучи, бардоши, маҳоратининг янги-юқори босқичга кўтарилганини аниқ сезадилар. Бундай ҳолатда тананинг янги қўшимча ҳаракатга ташналигини назарда тутиб ҳаракат меъёри оширилади. Бундай ҳолат шуғулланувчининг ривожланиши тезлашгани, янги куч ва суръат билан қўшимча юкланишни ижро этишга тайёрлигидан далолатдир.

Ҳаракатдан баракат келади, деганлари худди шудир. Меъёрни ҳар ким ўз имкониятига қараб аниқлаб олиши қийин эмас. Саломатлик инсонга берилган улуғ неъмат эканини унутиб қўйиш ҳолатлари ҳаётда тез учраб туради. Бундай ҳолатдан сақланиш, бу хайрли ҳақиқатни ёшларга тўғри тушунтириш инсоний бурчдир.

Ф.НАСРИДДИНОВ,
профессор

Шаҳрисабз у туфайли танилгандир оламга,
Бу йил она шаҳримизнинг қутлуғ тўйи бўлади.
Тантанага қатнашганлар мени олар қаламга,
Мени бунёд этганга яна шуҳрат келади.

Оксфорд университети олимлари қарға, ҳа-ҳа, оддий қарға устида тадқиқот олиб боришди. Мақсад — қарғанинг "ақли"ни синаб кўриш эди.

ҚУҲНФИРОҲ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

ОҚСАРОЙ КАЛОМИ

(Достон)

I

Шаҳрисабз шуҳратини ёйиб бутун жаҳонга
Кўрганларни лол қолдириб қаддим ростлаб турибман.
Боқар эди менга кўплар боққан каби осмонга,
Энди аввалги бўйим йўқ, анча пастлаб турибман.

Олти асрдан бурунроқ элга машҳур меъморлар
Сарой бунёд этмоқ учун энг қулай жой қидирди.
Она юртга ҳурматимни билсин дея авлодлар,
Амир Темур бош-қош бўлиб мени шунда қурдирди.

Давом этди тикланишим йигирма йилдан зиёд,
Эллик қулоч баландимда гумбаз барпо этилди.
Нақшинкор уй, гуллар билан бўлди ҳар ёним обод,
Чиройимга мафтун бўлиб салқин шабада елди.

Катта-катта ҳар хил гулдор гиламлардир ҳашамим,
Абадийлик топди Уста Юсуф Табризий нақши.
Садоқат ва севги билан яратилди чаманим,
Безакларимнинг ҳаммаси бири-биридан яхши.

Созандалар, санъаткорлар жойи эди боғ-роғлар,
Канизаклар билан боғда Бибихоним яйрарди.
Машварат қурар эди халқи суянган тоғлар,
Машаққатли меҳнат билан мўъжизалар яралди.

Энг ҳурматли кишиларни баланд хоналаримда
Меҳмон қилиб, қуюқ суҳбат қурарди Амир Темур.
Баъзи пайтда қўшин боши бўларди ёнларида,
Эл-юрт манфаати учун кўриларди зўр тадбир.

II

Яна ўзим ҳақда сўзлай, мени келиб кўрганлар
Катта-кичик қоғозларга нималарнидир ёзди.
Уларни кўп мафтун этди ҳусним, хилма-хил ранглар,
Хурсанд боқишларни кўриб, шод ўтказдим қиш, ёзни.

Менга ҳавас билан қараб Бибихоним, Улуғбек,
Самарқандда бунёд этди гўзал нақшли бинолар.
Ҳеч тенги йўқ бўйи-бастим ва мендаги улуғлик
Шарққа таъсир этганини шарҳлаб кетган донолар.

"Қасри Ҳузро" деб атади ҳайратланган Навоий,
Салобатли бино қуриб, жило берди Ҳиротга.
Безагимда жам бўлмишдир Шаҳрисабз чиройи,
Нақкошларнинг ўзи эмас, иши етди муродга.

"Мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар" — деб,
Ёзган Бобур Ҳиндистонда барпо этди иморат.
Улуғ Бобур авлоди ҳам мамлакатга берди зеб,
Бу сўзларим — Шаҳрисабз таъсирига ишорат.

Йил, асрлар ўтаверди тож-тахт кураши билан,
Темур қурган катта давлат қирқ ямоққа айланди.
Босқинчилар шавқ-завқ олди қаср нураши билан,
Эл-улусга ўзи ўсган юрт қамоққа айланди.

III

Таъзим бажо қилсак арзир элчи Клавихога,
Нураб битган тасвиримни ўша ёзиб қолдирган.
Пештоқдаги арслон, қуёш расмим қилган ифода,
Барча нақшим, Темур гербин авлодларга билдирган.

Яралгандан, вайрон бўлмай қолган фақат Чорсудир,
Беш асрдан буён савдо ҳамда бозор маркази.
Тўрт томондан халқ оқими гўёки тошқин сувдир,
Бозордан ким мамнун қайтар ва кимлардир норози.

Бу жиҳатдан бозор худди дунёмизга ўхшайди,
Биров йиллаб йиққанини совуради бир зумда.
Биров алдаб бойлик тўплаб, жон қойитмай яшайди,
Биров ҳалол фойда топар олма, анор, узумдан.

IV

Ўзбекистон ўз эркини қўлга олгандан буён,
Нафасларни ростлаш учун буюк имкон яралди.
Севган касби билан машғул, озоддир ҳар бир инсон,
Бугун ва келажакка ишонч билан қаралди.

Ҳамма жойда қадрланди ишни билганнинг сўзи,
Шул сабабдан улар катта фойда келтирар элга.
Энди очилди берк бўлган булоқ, чашманинг кўзи,
Бўлаётган эзгу ишлар ёқиб тушар кўнгилга.

V

Ёдгорликлар қайта топди қадимги ўз ҳуснини,
Таъмирланиш ҳеч тўхтамай давом этмоқда яна.
Аввалги ҳолича кўрдим "Кўкгумбаз"нинг тусини,
Бизга боқди бир вақт биздан юз ўгирган замона.

Имом Бухорий, Нақшбанднинг мақбараси тикланди,
Айтаверсам савоб ишнинг жуда кўпдир саноғи.
Мустақилликда тобора шаҳар, қишлоқ юксалди,
Улуғларнинг номидадир юртнинг хиёбон, боғи.

Пойимдаги тенгсиз нақшли суҳбат жойи очилди,
Таъмирландим меҳр билан, парво қилмайман қишга.
Шаҳар деворидан парча аввалги каби бўлди,
Эл эркига эга бўлса, қодир экан ҳар ишга.

VI

Севинчларга тўлдик, яна севинчнинг бор аълоси,
Амир Темур ўз ҳурматин қайта топди элида.
Дунё билган саркарданинг берилди чин баҳоси,
Faв йўқ халқнинг ҳақиқатни англаётган йўлида.

Шаҳрисабзда яралди энг чиройли хиёбон,
Қад кергандир баландликда Жаҳонгирнинг ҳайкали.
Сайр қилган кишиларда пайдо бўлар ҳаяжон,
Бу буюк иш — шаҳримизнинг ҳусни, кўрки, сайқали.

Фавворалар, турли гуллар чирой қўшар чиройга,
Ҳар кун бунда одам гавжум, севишганлар ҳам бордир.
Хориждан ҳам кўп сайёҳлар келиб турар бу жойга,
Ўт-майсалар ҳар вақт кўм-кўк — бу ер гўё баҳордир.

VII

Икки минг етти юз йил, бу — Шаҳрисабзнинг ёши,
Шунча йилда она шаҳрим қанча курашни кўрди.
Жуда кам кулиб боққандир бахт-иқболнинг қуёши,
Эл-улуслар қайғу, ғамни, алам, кўз ёшни кўрди.

Ўтиб кетди жанг-жадаллар, тўс-тўполон замонлар,
Номи ўчди ўзин ўйлаб ким мол йиғса зиёда.
Ўтиб кетди кўп яхши-ю ва ҳайвонсифат ёмонлар,
Эзгу ишлар қилганларнинг номи қолди дунёда.

Амир Темур тенгсиз инсон, тинчлик берди халқларга,
Ҳаттоки у Европанинг халоскори бўлгандир.
Франция, Англия,... кўп ёқларда мақталди,
У чиндан ҳам туркий элнинг ифтихори бўлгандир.

Шаҳрисабз у туфайли танилгандир оламга,
Бу йил она шаҳримизнинг қутлуғ тўйи бўлади.
Тантанага қатнашганлар мени олар қаламга,
Мени бунёд этганга яна шуҳрат келади.

Менга мадад берганлар бўлсин бахтли, соғ-омон,
Улар берган имдод билан кўп асрлар тураман.
Эл мустақиллик, ҳур яшаб, давом этса тинч замон,
Аввалгидек қоматимни балки бир кун кўраман.

Тўра ЖУМАН

Xullas...

ҚАРҒАНИНГ АҚЛИ ҚАНЧА?

Олим зотининг иши қизиқ-да, текширгани-текширган. Аммо шуниси ҳам борки, текширишлар самарасиз кетмайди, қандайдир янги фикр айтилади.

Оксфорд университети олимлари қарға, ҳа-ҳа, оддий қарға устида тадқиқот олиб боришди. Мақсад — қарғанинг "ақли"ни синаб кўриш эди.

Бунинг учун Бетти лақабли қарғага банкадаги овқатни тортиб чиқариш топшириғи берилди. Банканинг ёнида эса калтагина сим. Қани, қандай қилиб банкадаги егуликни ташқарига чиқариш мумкин?

Кичкина сим бўлагини тумшуғига илинтирган қарға, уни банканинг ичидаги гўшт парчасига тиқди ва тажриба ўтказувчиларни лол қолдириб, ташқарига чиқарди-да, пақ-қос туширди.

Экспериментда қатнашаётган Бетти ва унинг шериги ўлжани ўша захотиёқ гумдон қилишгач, гўёки қойилмақом қилдик дегандек, атрофга керилиб қараб қўйишди. Бу эса қарғаларнинг ақлини синаб кўришга бағишланган илк тажриба эди, деб эътироф этишади орнитологлар.

ЕМАГАН СОМСАГА ПУЛ...

Хорижлик жаноб билан турмуш қуриш ниятини билдириб, никоҳ агентлигига эълон берган аёл олти ой ўтса ҳамки, ёлғиз эди. Мавжуд тартибга кўра, бу муддат ичида у ўз талабига биноан, оилалик бўлиши лозим. Аммо никоҳ идораси ундан эълон учун пулни ундиришга ундирдию, тақдири билан қизиқмасдан юраверди. Катта миқдордаги пулни тўлаб қўйгач, аёлга ҳам алам қила бошлади. Никоҳ агентлигига бориб, дардини дастурхон қилса, тинглашни ҳам истамадилар.

Қисқаси, яқинда Новосибирск шаҳар судида томонларнинг низосини ечишга бағишланган суд мажлиси ўтказилиб, иш аёлнинг фойдасига ҳал этилди.

Суд ҳукмига кўра, эълон учун тўлаган пул унга қайтарилиши лозим. Энди бошқа мижозларни ҳам лақиллатиб, фақат пулини ундириб юрган никоҳ агентлиги қадамини ўйлаброқ босадиган бўлди.

ana shunaqa gaplar

Чилонзор тумани 126-мактаб томонидан Хидиров Дилшод Даниярович номига 2002 йилда берилган O'R-Z №1429261 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси вазирлигининг масъул ходим М.Рустамовага онаси **Зухра аянинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

"Маърифат" газетаси жамоаси "Тошкент ҳақиқати" — "Ташкентская правда" газеталари бош муҳаррири Ф. Муҳиддиновга онаси **Мукаррамхон МУҲИДДИНОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва Биология-туproқшунослик факультети жамоалари Агрокимё кафедрасининг доценти С.Сидиқовга онаси **Бахри ая ЭШМУҲАММЕДОВА** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ректорати, Касаба уюшмаси қўмитаси ва тарих факультети жамоаси тарих факультети декани, доцент Замира Раимовна Ишонхўжаевага падари бузруквори **Жумаев Раимберди отанинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

4TV

ТВ-4 Халқаро телеканалида ҳар якшанба куни намойиш этилаётган "Инглиз тили Сиз учун" масофавий Инглиз тили курсининг иккинчи дарс саволлари:

21 октябрь

1. What kind of phisical exercise is popular in your country? What are the health benefits of that exercise?
2. Explain the process of your favorite physical exercise.
3. How much or how many of cach of ingredient do you need to prepare dinner for your entire family.

Адрес: 700011 Навоий-69, ТВ-4 Халқаро телеканали. "Инглиз тили Сиз учун"

ИДИШ-ТОВОҚ ЮВИШ КИМНИНГ НАВБАТИ?

тест

Аёлларнинг аксарияти жамият эркаклардан кўра уларга нисбатан талабчан дея ҳисоблашади ва бунга ишончлари комил. Баъзи эркаклар эса уй-рўзғор ишларидан осонроғи йўқ деб ўйлашади. Болани тарбиялашга келсак, бу ҳамма ишдан ҳам енгил, ахир болалар боғчаси ва яслилар бор-да! Айрим эркаклар эса хотинлари уларнинг ишлари билан қизиқмаётганликлари, кечқурун ишдан нима учун чарчаб келишларини тушунмаслигидан нолийдилар. Кўпчилик эр-хотинлар ким кўпроқ оиланинг ғамини ейиши устида тортишадилар. Куйидаги тест саволлари шу муаммонинг ечимини кўрсатади.

Қайси саволга "Мен" деб жавоб берсангиз, ўзингизга бир баллдан қўшиб боринг.

1. Кимнинг ҳаёти нисбатан шиддатлироқ кечади, сизнингми ёки турмуш ўртоғингизнингми?
2. Қайси бирингиз болаларингизга кўпроқ ғамхўрлик қиласиз?
3. Қайси бирингизга болаларингиз кўпинча ўз муаммолари билан мурожаат қилади?
4. Ота-оналар мажлисига кўп ҳолларда ким боради?
5. Ким болалар тарбияси тўғрисидаги китобларни ўқийди?
6. Ким боғча, мактаб ёки уйдаги байрамларни ташкиллаштиришда жонбозлик кўрсатади?
7. Ким ишдан кечроқ қайтади, сизми, турмуш ўртоғингизми?
8. Уйингиздаги оғир жисмоний меҳнатни ким бажаради?
9. Ким тушкунлик, лоқайдлик, ҳафсаласизлик, ланжликка, хафаконликка берилган?
10. Кимнинг иши оғирроқ, қийинроқ?
11. Кимнинг ишхонаси уйдан анча узоқда жойлашган?
12. Ким оиласи учун кўпроқ ташвишланади?
13. Ким сержаҳл ва жиззакироқ?
14. Ким диққат билан бажарилувчи уй ишини бажаради?
15. Ким кўпроқ овқат пиширади?
16. Ким кўпинча бозор-ўчар билан шуғулланади?
17. Ким тикиш, ямаш, тўқиш ишларини бажаради?
18. Ким кир ювади?
19. Ким уйларни тозалайди, супуриб-сидиради?
20. Уйнинг майда-чуйда ремонт ишларини ким қилади?
21. Ким кўпинча қўни-қўшнилар, дўстлар билан борди-келди қилади?
22. Ким қариндош-уруғлар билан яқин муносабатда?
23. Ким оилангиз номидан хат ёзади?
24. Ким электр токи учун пул тўлайди, газета сотиб олади?
25. Уй ҳайвонларининг (сигир, қўй, мушук, ит) овқатини ким беради?
26. Ким томорқада, дала ҳовлида кўпроқ ишлайди, уй ўсимликларига ким қарайди?
27. Таътилни ҳисобга олмаганда кимнинг бўш вақти кўпроқ?
28. Ким болаларнинг ўқишига кўпроқ қизиқади?
29. Оила бюджетини ким режалаштиради?
30. Оиланинг бўш вақтида нима билан машғул бўлишни ким ҳал қилади? Кимнинг сўзи ҳал қилувчи кучга эга?

ЖАВОБЛАР:

22 баллдан ортиқ тўплаган бўлсангиз:

Сизнинг оилангизда, афсуски, уй-ишларининг идеал тақсимоти ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Турмуш ўртоғингиздан уй ишларида қандай ёрдам бера олишингизни сўранг. Балки сиз рафиқангизга ишидаги камчилик ва нуқсонларни атайин таъкидлаб кўрсатарсиз. Самимийсиз? Бу ҳақда ўйлаб кўринг.

Аёлларга эса уй ишларини бирортасини қилишга қизиқиш уйғотишга ҳаракат қилишини маслаҳат берамиз. Унинг бу борадаги энг кичик муваффақиятларини беғараз мақтанг.

13-21 балл.

Сизнинг оилангизда ташвишга ўрин йўқ. Агарда хотинингиз уй-рўзғор ишларининг асосий қисмини ўз зиммасига олса-да, бу доимий эмас. Қачонки сизда имконият туғилса, сиз рафиқангизга доим кўмаклашасиз.

12 баллгача.

Эҳтимол, уй-рўзғор ишлари оилангизда тўғри тақсимланган, деб ўйларсиз. Сиз ўзингизни алдаётгандирсиз. Рафиқангиз сизга нисбатан оилангиз учун кўпроқ ташвишланади. Бу ҳақда ўйлаб кўринг. Ҳамда оилангизда уриш-жанжаллар кўпаймасидан аввал уй ишларининг маълум қисми билан шуғулланишни бўйнингизга олинг. Уй ишлари билан бирга машғул бўлиш оилавий муносабатларингизни фақат яхшилаши мумкин.

Санжар НАЗАРОВ тайёрлади.

"ҒАНЖИ" БОШҚОТИРМАСИ



Ушбу бошқотирма уч қисмдан иборат:
1.СКАНВОРД
2.КРОССВОРД

Бўйига: 1.Грециядаги энг баланд чўққи. 3. Стендаль асари – "... ибодатхонаси". 4. Мадинада Муҳаммад (САВ)га ёрдам берган шахслар. 6. Кулгили воқеа, латифа. 7. Алпомишнинг дўсти. 10. Шубҳа. 11. Булут. 12. Савоб. 16. Кир ювиш воситаси. 17. Иброҳим пайғамбарнинг катта ўғли. 20. Май қуювчи.

Энига: 2. Дастлабки. 5. Навоий вилоятидаги туман. 8. Альфа, бета, ... 9. Тўсин. 13. МАР пойтахти. 14. Ҳаё. 15. Низомий туғилган шаҳар. 18. Океан. 19. Ортиқча сарф-ҳаражат. 21. Ўзаро алоқа. 22. Фарғона шаҳрининг эски номи.

3.ВЕНГЕРЧА КРОССВОРД

Тепа чап бурчакда дунёнинг машҳур спортчилари; тепа ўнг бурчакда ҳайвонот олами; пастки чап бурчакда мевалар; пастки ўнг бурчакда гуллар номлари яширинган. Уларни топишга ҳаракат қилинг.

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-929.
Тиражи 23331 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Камолиддин АЛИОХУНОВ,
Навбатчи: Fофур ЖАБИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00